

ХР

№ 29-52

IV-VII

Боқий фикр

Шуни унутмангки,
келгусида эришадиган
ҳар бир ғалабангиз
юртимиз ғалабаси,
Ўзбекистон ғалабасидир!

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqq boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 11-aprel, chorshanba № 29 (8470)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИЛИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди.

Натижада республикада иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳар йили 3,0 миллиарддан кўпроқ асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестиция умумий ҳажмининг 26,6 фоиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса хорижий инвесторларнинг

республика иқтисодиёти барқарорлиги ва пишиқ-пухталигига, уни ривожлантириш истисқолларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан яққол далолат беради.

Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фа-

олиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, республика қонунчилиги томонидан 1-иловага мувофиқ хорижий

инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кенг қўламдаги кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими яратилган.

2. Белгилаб қўйилсинки, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика

йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашининг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақлидирлар.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда.)

БЕШИНЧИ САРАЛАШ БОСҚИЧИ

беш ҳудуддан ғолибларни аниқлаб беради



Юртимизда ўн йилдан буён тизимли равишда ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт мусобақаларининг кенжаси — «Умид ниҳоллари-2012» республика финал баҳсларининг бошланишига ҳам саноқли кунлар қолмоқда. Шу кунларда мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида таълим олаётган ўқувчи-спортчилар энг сўнгги саралаш беллашувида ўз имкониятини синовдан ўтказишмоқда.

Маълумки, бу йилги «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларига Навоий вилояти мезбонлик қилади. Аммо ҳал қилувчи беллашувларга бориш ҳар кимга, ҳар бир жамоага ҳам насиб этавермайди. Бунинг

учун мурасасиз қарама-қаршиликларда, бахсларда зафар қозониш талаб этилади.

Шу кунларда «Умид ниҳоллари-2012» спорт мусобақаларининг 4та тури: волейбол, баскетбол, қўл тўпи

бўйича ўғил ва қиз болалар ҳамда футбол бўйича ўғил болалар жамоалари ўртасида ҳудудий саралаш босқичлари ўтказилмоқда.

(Давоми 15-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

**ТЕНГДОШ —
ТЕНГДОШГА**

таълим сифатини
оширишда мазкур
ҳаракатнинг ҳам аҳамияти
катта бўлмоқда

3-бет

ЎҚИТУВЧИ

фақат дарсликдагини
ўқувчига етказадиган
воситачига айланиб
қолмаслиги керак

6-бет

**«MA'RIFAT»GA
MAKTUBLAR**

11-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР
ЖАЛБ ЭТИЛИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони билан белгиланган солиқ имтиёзлари 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб:

2-иловага мувофиқ, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида фаолият юритаётган;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти истисно этилган ҳолда, республиканинг барча минтақаларида жойлаштирилган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга татбиқ этилсин.

5. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, тижорат банклари томонидан хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча та-

лаблар ва чекловлар ўрнатилиши қатъиян тақиқлансин ва бу ҳол қонунга ҳилоф деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий инвесторларнинг, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари сўзсиз риоя этишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин ҳамда қонунчилик бузилишининг олдини олиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таъсирчан чоралар кўрсин.

6. Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотишда тендер (танлов) шартларини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясига (Р.С.Азимов) хорижий инвесторларнинг буюртманомалари бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балансида бўлган паст ликвидли объектларни аниқ инвести-

ция мажбурияти остида инвестор билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан танлов ўтказмасдан "ноль" харид қиймати бўйича сотиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмаларининг буюртманомалари бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашадиган хорижий компанияларнинг мансабдор шахслари ва мутахассисларига 12 ой муддат билан кириш визалари ҳамда қўп марталик визалар расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банкни жалб этган ҳолда хорижий инвесторларга ўзларининг инвестиция фаолиятини амалга оширишлари учун Давлат бюджети ва унинг ижроси, пул-кредит сиёсати, ташқи

савдо ҳамда бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда зарур бўлган иқтисодий ахборотлардан тизимли асосда белгиланган тартибда кенг фойдаланиш имкониятларини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун берилган кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликларга доир қонун ҳужжатларининг амалда рўйбга чиқарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда берилаётган имтиёзлар ва афзалликларга вазирликлар, идоралар ва бошқа ижрочилар томонидан риоя этилмаслиги ҳолатлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ахборот киритиб босин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида 2-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 10 апрель**ТИББИЙ МАДАНИЯТ — СОҒЛИҚ ГАРОВИ**

Оғир тиббий-социал касалликлар аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Қандли диабет ана шундай хасталиклардан биридир. Ҳозирги вақтда бутун дунёда 360 миллион киши ушбу дарддан азият чекомда. Мутахассисларнинг фикрича, касалликнинг ўсиш суръати шу зайл давом этса, 25 йилдан сўнг ҳар олти кишининг бири, аср ўртасига келиб, ҳар икки кишининг бири қандли диабетга чалиниш эҳтимоли бор. Бу каби салбий ҳолатнинг олдини олиш мумкинми? Мамлакатимизда қандли диабет профилактикаси бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда? Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот

анжумани ҳудди шу масалаларга бағишланди.

— Эпидемиологик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда қандли диабетнинг тарқалиши 5 фоизни ташкил қилади. Диспансер рўйхатига олинган 127 252 нафар беморнинг 1183 нафари болалар, 533 нафари эса ўсмирлардир, — дейди республика ихтисослаштирилган илмий-амалий, тиббий эндокринология маркази директори С.Исмоилов. — Бугунги кунда юртимизда 14та эндокринологик диспансер фаолият юритиб, қандли диабет билан оғирган беморларга давлат бюджети асосида бепул тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Касалликни келтириб чиқарувчи асосий сабаб сифатида генетик мойил-

ликдан кейин носоғлом турмуш тарзини ҳам санаш мумкин. Яъни, камҳаракатлилик ва ортқича овқатланиш оқибатида қандли диабетга дучор бўлиш эҳтимоли ошади. Шу боис касалликнинг олдини олиш борасидаги бирламчи вазифамиз аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш ҳисобланади.

Ҳозирда республикамизда қандли диабетли беморларни даволаш ва профилактика қилиш бўйича жаҳон тажрибасидан унумли фойдаланилмоқда. «Эндокрин касалликларни ташхислаш ва даволашнинг миллий стандартлари» ишлаб чиқилган бўлиб, ҳаётга кенг татбиқ этилаётир.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Буюк бобокалонимиз Амир Темур таваллуд кунини муносабати билан Тошкент хотин-қизлар коллежиди «Ўзбек давлатчилиги тарихида Амир Темур ва Темурийлар салтанатининг ўрни» мавзусидаги адабий-музыка, маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари, маҳалла фаоллари,

**СОҒИҚИРОНГА
ЭХТИРОМ**

ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар Амир Темурнинг инсоний камолоти, маънавият ва маърифат масалаларига жиддий эътибор билан қарагани, ижтимоий фаолияти ва жаҳон цивилизациясида тутган ўрни хусусида атрофлича фикр юритишди.

Тадбир якунида коллеж ўқитувчиларининг «Умид» театр жамоаси ва Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти талабалари ҳамкорлигида намойиш этилган сахна кўринишлари барчанинг эътирофига сазовор бўлди.

Олим ЖУМАОЕВ,
«M'arifat» мухбири**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР УЧУН****интерактив хизматлар**

Давлат солиқ қўмитаси Ёшлар ижод саройида «Интерактив хизматлар — солиқ тўловчилар хизматида» мавзусида матбуот анжумани, семинар ва кўргазма ташкил этди. Икки кунлик кўргазмада солиқ соҳасини такомиллаштириш ва солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш, уларнинг вақтини тежаш, томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг эркинлигини таъминлашга хизмат қилувчи интерактив хизмат турлари слайдлар орқали намойиш этилди.

Матбуот анжуманида Давлат солиқ қўмитасининг расмий «www.soliq.uz» сайти, ундаги маълумотлар базаси ҳамда 16 турдаги интерактив хизмат хусусида ахборот берилди. Сайтга жойлаштирилган «Энг қўп бериладиган саволлар» янги хизмат турунинг тақдими ўтказилди. Солиқ тўловчи сайтга савол тоифасини танлаган ҳолда калит сўз ёки иборани киритиб, ўзини қизиқтирган масала бўйича керакли жавоб олиши мумкин. Хизмат тури

базасида 3,5 мингдан ортқ савол жавоби билан жойлаштирилган.

— «www.soliq.uz» сайти аҳолига, айниқса, тадбиркорларга катта имкониятлар яратади. «Солиқ органлари ҳақида», «Текширишлар режа жадвалидан кўчиришлар бериш», «Юридик шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблари», «Электрон ҳисобот тизими» каби интерактив хизматлар тадбиркорлар учун беиминнат қўмакчи бўлмоқда. Солиқ тўловчи электрон рақамли имзоси билан сайт орқали тўловларни амалга ошириш, бизнес ҳисоботларини тўғридан-тўғри топшириш, солиқ идоралари раҳбарларига хат ёзиш имкониятларига эга, — дейди Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизмати бош мутахассиси Интизор Очилова.

Давлат солиқ қўмитаси жорий йил якунига қадар интерактив хизмат турларини 22тага етказишни режалаштирган.

Моҳичехра ЛАТИПОВА

Yangilik

Ўқувчилик пайтимиз нимадир сабаб бўлиб, дарсга тайёргарлик кўролмай келсагу, устоз бизга юзланса, ёнимиздаги синфдошимизга умидвор тикилардик. Ана шундай вазиятда билимдон партадошимнинг ёрдами роса асқотарди-да. Ўша кўмак самараси ўлароқ, навбатдаги дарсга биргаликда тайёргарлик кўришга интилардик. Ўз навбатида, биз ҳам ўзимиз яхши билладиган фанлардан синфдошимизга ёрдамлашардик. Бу усулдаги ўзаро ҳамкорлик кўп ўтмай, ижобий натижасини кўрсатарди.

НОРАСМИЙ МУЛОҚОТ

Бу анча йил илгариги гаплар бўлиб, ҳозир эса бу борадаги ишлар кенг қамров касб этган. Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилган "Дарс — муқаддас" тавсияси асосида фаолият олиб бораётган "Тенгдошлар" гуруҳи изланишлари ўқув-тарбия жараёнига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Зеро, лойиҳанинг асосий мақсади ҳам умумий ўрта

лашади. Шу орқали "Сўрасам йўқ демасмикан?" деган ҳадикқа ўрин қолмайди. Тенгдошлар бир-бирига ўргатар экан, бунга сидқидилдан ёндашишди ва бераётган кўмакни дўст сифатида қабул қилишди. Ўқувчи бирор нарсани ўқитувчидан сўрашда хайиқиши мумкин. Чунки "Шуниям билмас экан-да?", деган таассурот уйғотиб қўйишдан чўчийди ва доимий ҳамроҳи — фикр алмашадиган ўртоғига юзланади. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларда барибир оз

касб-хунарни қадрлаш сингари йўналишлар асосида 200га яқин ўқувчи ўзаро бириккан. Улар мактаб атрофини ободонлаштириш ишларида ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Айниқса, шахмат бўйича 3 карра Ўзбекистон чемпиони Ортиқ Нейматовнинг ишлари таҳсинга лойиқ. У тенгдошларига фанлардан ёрдам бериш билан бирга, шахмат сирларини ҳам ўргатмоқда. Математикадан синфдошлари билимини оширишга ҳисса қўшаётган, кўплаб тенгдошларини ўз атрофига тўплай олган ўқувчи Акрам Ҳошимовнинг ишлари ҳам эътирофга арзигулик.

ҲАМ ЎРТОҚ, ҲАМ УСТОЗ

«Тенгдошлар» лойиҳасининг ўзига хос афзал жиҳатларини Баҳмал туманидаги 48-умумий ўрта таълим мактабида ҳам кўриш мумкин. Мактаб

сани билишга, доимий изланишга ундамоқда. Қолаверса, ушбу усул орқали ёшлар онгига «Бирга ҳаракат қилинса, кўп ютуқларга эришиш мумкин» деган эзгу ғоянинг шаклланиши ва мустаҳкамланишига ҳам эришилади.

Бирор лойиҳанинг самараси тўғрисида гап кетганда, статистик маълумотлар ва айтиқса, жараёнинг ўзини кузатиш кўп нарса беради. Шу маънода айтиш мумкинки, бугун очик дарсларда қатнашган киши ўқувчиларнинг фанларга қизиқиши тобора кучайиб бораётганига гувоҳ бўлади. Синфдошининг ёрдами билан бўлса, бажариб келган топшириғи юзасидан дарсда фаол иштирок этишга интилиш ўқувчига руҳий куч беради. У кейинчалик ўзи мустақил мисол-масалалар ечишга ҳаракат қила бошлайди. «Тенгдошлар» тизимининг истиқболлиги катта ишонч билан қараш мумкин.

Jarayon

нам Эсоной иккимиз кроссворд тузиб, уни ечиш орқали кўп нарсаларни билиб олдик. Шунинг учун хотирамда яхши сақланиб қолган.

Ўқитувчи: — Ҳақиқатан ҳам, сиз тўғри жавоб бердингиз. Энди ким айтиди, мамлакатимизда ер майдони жиҳатидан энг катта вилоят қайси? — Навоий вилояти! — деди бир ўқувчи.

Ўқитувчи: — Хўш, Шермуҳаммад, бундай ишонч билан айтишингизга сабаб нима? Балки, янглишаётгандирсиз?

— Йўқ, аниқ шундай! Негаки, ўтган сафар дўстим билан Ўзбекистон харитасини, вилоятлар худудини ўрганганимизда энг катта ер майдонига эга вилоят Навоий эканини биргалашиб аниқлаганимиз.

Ўқитувчи: — Яхши, Шермуҳаммаднинг ўқишида ҳам ўзгариш сезияпти. У нафақат «Тартиб посбони» вазифасини сидқидилдан урдаламоқда, балки ўз устида ҳам ишляпти.

«Тенгдошлар» усулининг аҳамиятини ушбу дарс жараёнидан ҳам кўриш мумкин. Ўқитувчининг айтишича, уйлари яқин жойлашган ўқувчилар ўртасида дарснинг биргаликда тайёрланиши, мунтазам ўтказиб келинаётган қўрғазмали қуроллар танлови таълим сифатида сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

ТЕНГДОШ — ТЕНГДОШГА

таълим сифатини оширишда нимадир ҳаракатнинг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда

таълим мактабларида ўқиш сифатини яхшилаш, ўқувчиларнинг фанларга қизиқишини ошириш ва синфдошларнинг аҳил-иноқ бўлишига эришишдан иборат.

«Тенгдош» усулининг психологик жиҳатдан афзалликлари ҳақида Тошкент давлат иқтисодий университетини қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактаб психологи Сарвара Расулова шундай дейди:

— Ўқувчининг қобилиятини юзага чиқаришга туртки берувчи ва ҳаракатга келтирувчи куч зарур. Буни тенгдошлар таъсирида амалга ошириш осонроқ. Масалан, Абдоржон фанларни яхши ўзлаштиради, фақат бироз ҳаёли чалғиган, фикри бўлинган, холос. Унга «Баҳоларинг тузуқ, фақат ўзингни кўрсат! Бунда сенга тенгдошнинг кўмак беради», деб ўқитирсангиз, ўқишга иштиёқи янада ўсади. Ўзи болалар шундай: кимдир имкониятидан кўпроқ, кимдир эса камроқ фойдаланади. Уларни бир-бирига таққослаш нотўғри, тўғри йўналиш берилса, кифойа.

— Синфдошларни ўзаро бириктириб қўйишда нимага аҳамият бериш керак? Тенгдош ёрдами ўқитувчи таълимидан нима-си билан фарқли?

— Ўқувчиларнинг психологияси қизиқки, ўқиш даражаси турлича бўлса-да, бир-бирлари билан осон дўстлашади. Уларда қандайдир умумийлик бор. Бу аксар ҳолларда қизиқишлари билан боғлиқ бўлади. Масалан, иккиси ҳам бир хил спорт тури билан шуғулланади. Биргаликда футбол, каратэ ёки теннисга боришади. Айтилик, паст ўзлаштирадиган ўқувчи футболга қизиқгани боис машҳур ўйинчиларнинг номини кўпроқ билади, дўстига ҳам буларни ўргатади. Дўсти эса унинг фанларини ўзлаштиришига ёрдам

бўлса-да, расмийчилик бор. Дўстлар орасида эса ҳамма муаммолар очикчасига ҳал этилади. Шу жумладан, дарсларни ўзлаштириш масаласи ҳам. Кейин, ўқитувчи вақт борасида бироз чекланган бўлади. Тенгдошлар эса куннинг кўп қисmini бирга ўтказиши мумкин.

«22га 60»

Тошкент шаҳрида «Тенгдошлар» лойиҳаси доирасида ўзига хос тажрибаларга қўл урилмоқда. Бу тўғрисида шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг методика маркази директори Нодира Шомансурова шундай маълумот берди:

— Тенгдошлар тизими Бектемир туманидаги 289-умумий ўрта таълим мактабида ўзига хос тарзда йўлга қўйилган. Мактабдаги 22 нафар аълочи, иқтидорли ўқувчига айрим фанлардан бўш ўзлаштирувчи 60 нафар ўқувчи бириктирилган. Улар тадбир ва танловларда «Тенгдошлар» ташкилотини қошидаги ўз гуруҳлари билан қатнашадилар. Иш режалари ишлаб чиқилган бўлиб, турли акциялар, фан марафонлари ташкил этишди ва ҳар хил тадбирлар уюштиришди. Масалан, 9-синф ўқувчиси Гулнура Хидоятова ўз гуруҳи билан «Навоийнинг адолат тўғрисидаги фикрлари» мавзусини ёритиб, шаҳар миқёсидаги кўрик-танловда 3-ўринни эгаллади.

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

Учтепа туманидаги 75-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчилар «Тенгдошлар» усули асосида «Эзгу ишлардан ибрат олиш ва ибрат кўрсатиш» шиори остида 20га яқин йўналишда иш олиб бормоқда. Жумладан:

маънавий ва жисмоний камолотга интилиш; куч — билим ва тафаккурда; Билим ва



директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Абдуваҳоб Эшмуродов бу усулнинг ўқув жараёнига таъсири ва ижобий самараси ҳақида қўйидагиларни сўзлаб берди:

— Ҳар бир ўқувчининг хулқ-атвори ўзгача: кимнингдир хотираси кучли бўлса, кимнингдир зехни ўткир, тез илғаб олиш хусусияти билан пешқадам. Яна шундайлар борки, машғулоти биргаликда бажармаса тушунмайди. Бу, айниқса, чет тили дарсларида яққол кўзга ташланади. Ўзаро мулоқот қилиш сўзларни хотирада сақлаб қолишнинг энг ишончли усули-да. Шу маънода ўқувчилар ўртасида бир-бирига ёрдам бериш қўникмаси шакланганлиги жуда маъқул. Бу ўқувчилар орасида дўстлик, ҳамжихатликини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда. Дарс жараёни таъсирига таъсир қилаётган бўлса, ўқувчиларнинг тайёргарлиги ўқитувчиларни ҳам кўпроқ нар-

ДЎСТНИНГ БЕМИННАТ ЁРДАМИ

Фикримиз исботини кўриш мақсадида Баҳмал туманидаги 48-умумтаълим мактабида бир соатлик дарсни кузатдик. Ўқитувчи Анвар Бозоров ўқувчиларга «Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий географияси» фанидан сабоқ бераётган эди.

Дарс жараёни:
Ўқитувчи: — Ўзбекистоннинг аҳоли энг зич жойлашган ҳудуди қайси? Қани, Хўжамова Гулрухсор?

Ўқувчи: — Ўзбекистоннинг аҳоли зич жойлашган ҳудуди Фарғона водийсига тўғри келади. Биламизки, бу водий Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларини ўз ичига қамраб олади. Агар аҳоли энг зич жойлашган вилоятни айтидиган бўлсак, бу — Андижон вилоятидир.

Ўқитувчи: — Аҳоли энг сийрак жойлашган ҳудуд-чи?

Ўқувчи: — Навоий вилояти! Биз мавзу юзасидан дуго-

«Тенгдошлар» нафақат бўш ўзлаштирадиган ўқувчиларга ижобий таъсир этади, балки аълочи ўқувчиларнинг билимини янада мустаҳкамлашга имкон яратади. Яъни, улар тенгдошлари билан топшириқларни бажарар экан, ўзлаштирган мавзуларини яна бир бор такрорлайдилар. Билимлар беллашувида айнан шундай ўқувчилар юқори балл тўплаганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, ҳар бир ёшнинг вақтида рағбатлантириш орқали ўзига ишончини мустаҳкамлаш, фарзандларимиз қалбидан дўстлик ва ҳамжихатлик каби улғу туйғуларнинг чуқур жой олишига эришиш, ҳар томонлама баркамол шахсларни тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан бири экани барчага аён.

Замира АЗИМБОВА,
Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методисти,
Олим ЖУМАОЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири



❖ Пойтахтимиздаги улуг бобокалонимиз номи билан аталувчи файзли хиббонда Соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Мустаҳкам оила йили деб номланган жорий йилда жамиятимизда ижтимоий адолат тамойилларини янада кучайтириш, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли манфаатларини ҳимоялаш, баркамол шахсни вояга етказиш, ёшлар онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимиз, маънавиятимизга зид бўлган бегона ва зарарли ғоялар таъсиридан асраб-авайлашга доир ибратли ишлар улуг бобокалонимизнинг ўғит ва насиҳатларига ҳамоҳангдир. Шу боис Амир Темур ва темурийлар тарихи, дунё цивилизацияси ривожидagi аҳамияти жаҳон миқёсда тобора кўпроқ қизиқиш ва эътибор билан ўрганилмоқда.

Тадбирда Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

❖ Тошкент шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъат форуми" жамғармаси томонидан экологик бог барпо этилди.

Унинг очилишига бағишланган тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ушбу замонавий боғни яратишда Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг "ijod" уюшмаси аъзолари, меъморлар, рассомлар, ландшафт-дизайнерлари, «Келажак овози» ва бошқа санъат йўналишидаги лойиҳаларда ғолиб чиққан ёш ижодкорларнинг ҳиссаси айниқса катта бўлди.

Экобоғ ҳудуди асосан уч қисмдан — велосипедчилар ва скейбординглар учун махсус йўлакчалар, кичкинтойлар учун турли аттракцион ва инсталляцияга эга ўйинлар ҳудуди ҳамда болаларга тасвирий ва амалий санъат сирларини ўргатиш майдончасидан иборат. Боғ марказидаги хунармандлар устахонаси тасвирий ва амалий санъат бўйича тўғарақлар, маҳорат сабоқларини олиб боришга мўлжалланган. Бу ерда ота-оналар ва болаларнинг мароқли дам олиши, фанлар, бадиий ижодиёт бўйича тўғарақ машғулоти, очик дарслар ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

Экобоғ очилган дастлабки кун «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмасининг «Кўчат ўтказ!» акцияси доирасида таниқли санъаткорлар, спортчилар, шифокорлар, ёшлар ва ота-оналар томонидан ўнлаб кўчатлар ўтказилди.

❖ Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси ҳузуридаги «Кўнгил нури» хотин-қизлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Мўйноқ тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ўқув-семинар ташкил этилди.

Ўқув машғулотларида 40 нафар уй бекаси жалб этилиб, улар қишлоқ жойларида махсулот ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни йўлга қўйиш бўйича билим олди ва қўнималар ҳосил қилди.

— Мазкур йўналишдаги тадбирларимиз хотин-қизларимизни иш билан таъминлашда яхши самара бермоқда, — дейди «Кўнгил нури» хотин-қизлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Ойзода Нурибегова. — Ўқув-семинарда уй бекаларимизнинг аксариятига тикувчилик сирлари ўргатилди. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан ташкил этилган икки тикувчилик цехига машғулотларда тахсил олган 30 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди.

❖ Тошкент ирригация ва мелиорация институтида атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланишнинг долзарб масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси, «Экосан» жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат, жамоат ташкилотлари мутахассислари, олимлар, ёш тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ этилаётган "Ўзбекистон Республикасининг барқарор тараққиёт учун таълим концепцияси" ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Лойиҳа ёшларда экологик маданиятни шакллантириш, уларни экологик меъёрларга риоя қилиш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш каби мақсадларга йўналтирилган.

Тадбирда атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш, чиқиндиларнинг инсон саломатлиги ва табиатга салбий таъсирини камайтириш, сувдан оқилона фойдаланиш, экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқига оид мавзуларда маърузалар тингланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

ТИКЛАНГАН ҚАДРИЯТЛАР

Ўзбекистон тарихи давлат музейида «Тикланган қадриятлар» номли маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Иштирокчилар номоддий маданий меросимизнинг турли кўринишлари билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлдилар. Ташриф буюрганлар музейидаги тарихий экспозициялар билан бирга, Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази тўғараги аъзолари ясаган буюмлар кўргазмасини ҳам томоша қилдилар.

Тадбир доирасида Беньков номидаги республика рассомлик ва Юнусовод дизайн коллежи ўқувчилари яратган тарихий, миллий, замонавий либослар намойиши ўтказилди.

— Бундай тадбирда биринчи марта иштирок этаётган, — деди республика рассомлик коллежи ўқувчиси Нилуфар Сатторова. — Миллий матомиш — атласдан замонавий оқшом ли-

босларини яратиб, намойиш этаётган. Коллежимизда каштачилик, попопчилик, мунчоқлар, тақинчоқлар яшаш ўргатилади. Биз яратган ҳар қандай тўпلامда попопчилик, каштачилик унсурлари бўлса, ишимиз юқори баҳоланади. Турли халқларнинг тарихий либосларини тикишга қизиқаман. Келгусида қадимий аёллар кийимларини замонавийлик билан уйғунлаштириб тўплам яратмоқчиман.

Тадбирда «Севинч» фольклор-вокал, «Зарҳал» фольклор-даторчилар, «Зарб» фольклор-доирачилар ансамбллари, «Гунча» фольклор-ракс дастаси иштирокчилари миллий ва замонавий куй-қўшиқлар билан барчани хушнуд этиб, кўнгилларга яна бир бор Наврўзи олам шукӯҳини олиб кирди.

Умида ИСМОИЛОВА

ЁШ НОТИҚЛАР ТАНЛОВИ

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан немис тилини ўрганувчи талабалар орасида нотиқлик танлови ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги олий ўқув юртлари вакиллари иштирок этди.

Танловнинг якуний босқичида ички танловда ғолиб деб топилган 16 нафар иқтидорли талаба ўз билим ва салоҳиятини яна бир қарра синовдан ўтказди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ҳар йили ўтказиладиган ушбу танловнинг асосий мақсади Ўзбекистонда немис тили ўрганилишини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Танлов шартига кўра, ёш нотиқлар танлаб олинган маълум бир мавзу бўйича ўз нуқтаи назарларини тингловчилар қаршида диалог шаклида

немис тилида баён этишди. Бу йилги нотиқлик танловида иштирокчилар Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дипломатик алоқалар, муносабатларнинг ривожланиш динамикаси, қайта тикланувчи энергияга доир илгор лойиҳалар, замонавий санъат ва унинг ёшлар маънавиятига таъсири мавзуларида нутқ сўзлашди.

Иштирокчиларни тил билиш даражаси, нотиқлик иқтидори ҳамда мавзунинг мазмунан очиб берилишини инобат-

га олган ҳолда Конрад Аденауер жамғармаси, Тошкентдаги Гёте институти ва элчихона ходимларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб бордилар.

Фарғона давлат университети 2-курс талабаси Зухра Абдумаликова биринчи ўринга муносиб қўрилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 4-курс талабаси Наргиза Илҳомова ҳамда Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия университети 3-курс талабаси Ойбек Ҳамдамов қўлга киритишди.

Танлов ғолиблари ва қатнашчиларига фахрий ёрлиқлар ҳамда совғалар тақдим этилди.

Б. ФАЗЛИДИНОВ

ИЖОДИЙ КЕЧА

Тошкент давлат маданият институтида атоқли санъаткор, шоир ва ёзувчилар билан адабий мулоқотлар ўтказиш яхши анъанага айланган.

Яқинда институтда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Кутлибека Раҳимбоеванинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда ижтимоий-маданий фаолият факультети талабалари ва ўқитувчилар иштирок этишди. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Хожиева, шоир Муҳаммад Исмоил, ТДМИ доцентлари Сайёра Тўйчиева, Равшан Жомановлар

Кутлибека Раҳимбоева ижодининг ўзига хос жиҳатлари, шоирадаги фидойилик, жонқуярлик фазилатлари ҳақида сўзлашди. Шоиранинг истиқлол, Ватан, она мавзусидаги шеърлари, илк бор Тошкентга келган пайтлари, «Саодат» журналидаги фаолият юртидаги устози Зулфияхоним ҳақидаги хотиралари барчани тўлқинлантириб юборди. ТДМИ ўқитувчилари ижро этган дилтортар қўшиқлар, талабалар ёд айтган шеърлар эса ижодий кечага янада файз бағишлади.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

ИККИ НАФАР ЎҚИТУВЧИГА ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛДИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига Европа испан тили ўқитувчиларининг ассоциация (АЕРЕ) иштирокида «Буюк ипак йўлида испан тили ва маданияти» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда кўзланган асосий мақсад, Ўзбекистонда испан тили таълимини янада ривожлантириш ва шу соҳа мутахассислари ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйишдир.

Анжуманда Ассоциация президенти Мария Пилар Селма Ўзбекистонда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, испан тилини ўрганиш борасида ёшлар иштиғи ва

билимга чанқоқлигини таъкидлаб ўтди.

— Бугун испан тили ва маданиятини ўрганишга эътибор қучайди, Испания ва Лотин Америкаси мам-

Xalqaro konferensiya

лакатларига чиқиш имкони ортмоқда. Шунга кўра Ўзбекистондаги ўқув муассасалари учун ўқув дарсликлар ва дидактик материаллар олиб келганмиз. Бундан ташқари, университетлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш режалаштирилган.

Иштирокчиларнинг «Халқаро миқёсда испан тилининг ўрганилиши» ва «Испан адабиёти дурдоналари» мавзусидаги маърузалари

барчанинг эътиборини тортиди. Адрес Сантана Аррибас ва Хелге Хедигар нутқи қатнашчиларда катта таассурот уйғотди.

Испан тили ўқитувчиси Зулхумор Очилова «Испан тилини ўргатишда электрон дарсликларнинг аҳамияти ва хусусияти» мавзусида маъруза қилди.

Анжуманнинг иккинчи кунда бир-бирдан қизиқarli маърузалар тингланди ва мунозаралар қизгин давом этди. Тадбир сўнида Ассоциация Испанияда малака ошириш учун икки нафар ўқитувчига йўлланма берди.

Олим ЖУМАОБОВ,
Камола АЛИБЕКОВА,
ЎЗДЖТУ талабалари

Инсон ўзи тилсиз бўлган ҳолда, не-не тилсимотлар сирини очмоқ истайди. Айниқса, одамзод яралганидан буён авлодлар таълим-тарбияси борасида энг мақбул йўлни топиш, самарали натижаларни қўлга киритиш бўйича изланишдан тўхтагани йўқ. Ҳозирги кунда ҳам таълимнинг барча жабҳаларида илмий ходимлар, тадқиқотчиларнинг амалий-илмий фаолиятига чуқур эътибор қаратилмоқда. Биргина мисол, юртимиздаги педагоглар тайёрлайдиган университет ва институтларда олтинмишга яқин фан доктори, беш юзга яқин фан номзоди, шунингдек, педагоглар малакасини ошириш институтларида олтинмишга яқин фан доктори, уч юзга яқин фан номзоди фаолият олиб бораёпти. Амалиёт билан назария ўртасида номуносибликлар юзга келмаслиги учун мактаб, лицей ва коллежларда илмий даражага эга кадрларнинг ишлаши рағбатлантирилмоқда. Таълимнинг илк босқичи — мактабгача таълим йўналишида ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда. Биз бугун айнан ушбу илмий-тадқиқот ишларининг қўламини, амалиётга тегаётган нафи ҳамда бу борадаги ечимини кутайтган муаммолар ҳусусида тўхталамиз.

«ИЛМИЙ МАКТАБ»- ДАН — ИЛМИЙ ХОДИМЛИККА

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети педагогика-психология факультетининг «Мактабгача таълим кафедраси» шу соҳа илмий ходимларини тайёрлаш бўйича республикада таянч кафедра ҳисобланади. Бугунги кунда кафедрада 17 нафар илмий ходим, жумладан, 1 нафар фан доктори, профессор, 4 нафар фан номзоди, доцент фаолият юритмоқда. Факультет декани, педагогика фанлари номзоди, доцент Нурилла Бекмуродовдан йўналиш бўйича қилинаётган ишлар ҳусусида сўрадик.

— Аввало, соҳада илмий иш қилишга чоғланган педагог мактабгача таълим сирларини пухта эгаллаган бўлиши керак. Бунинг учун пойдеворни талабаларни ихтисослаштиришдан бошлаш ўринли. Бугунги бакалавр, эртага магистр сифатида соҳага доир масалалар моҳиятига чуқур кириб боради, сўнгра мавжуд муаммо ва камчиликлар ечимини топишга бел боғлайди. Факультетимиз пойтахтдаги ўнга яқин мактабгача таълим муассасаси билан ҳамкорлик ўрнатган. Бакалаврлар биринчи курсдаёқ амалиётга чиқишади. Жараённи кўриб, кўзи пишган талабалар назария билан амалиётни киёслаб ўрганишади. Шунингдек, «Илмий мактаб» ташкил қилганимиз, бакалаврлар магистрантларга, магистрантлар эса илмий ходимлар-

сиялари, методик ишланмаларини МТМларда жорий этиш учун йўлланма беради. Ҳозир 27, 300, 366-МТМлардаги таъриба-тадқиқот майдончаларида иш олиб борилмоқда. Тарбиячилар ва методистларнинг назарий ташаббусларни амалиётга татбиқ этиш жараёнидаги ҳулосалари мунтазам равишда таҳлил қилинади. Илмий гоёлар мана шундай ўнлаб синовлардан ўтгачгина, тан олинади ва диссертация ҳимояга тавсия этилади.

НАЗАРИЯ — АМАЛИЁТ БЕШИГИ

Айни кунларда илмий изланаётган кафедра ходимларининг тадқиқот мавзуси, ил-

шакллантириш» мавзуси бўйича изланиш олиб бориб, фаунага зарар етказишнинг салбий оқибатлари ҳақида кўргазмалар билан тушунтириш — энг мақбул йўллардан бири, деган ҳулосага келди. Болалар қўшларни овлашмаслик, ҳайвонларга меҳр бериш каби муносабатларни турли ўйин ва эртаклар воситасида осон қабул қилишди. Бу тушунчалар орқали эса мурғак қалбларида ижобий ахлоқий ҳусусиятлар шаклланади.

Болаларнинг боғчага мослашуви, ижтимоий муносабатларга қўничиши ҳаммаша долзарб масала бўлиб келган. Педагогика фанлари номзоди Шойиста Содиқованинг илмий изланишлари ва амалий так-

Dolzarb mavzu

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона, Тошкент вилоятларидаги таъриба-тадқиқот майдончаларида бола ҳаёти ҳавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар ҳақида содда, қизиқарли плакатлар орқали тушунтирилганда уларда ҳатари ҳодисаларга қарши реакция уйғонди. Фақат маълумот бериш билан чекланилмай, кичкинтойларга бундай вазиятларда нима қилишни ўргатиш ҳам кўзда тутилган.

Мактабгача муассасалар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика ўқув-методика маркази директори Малоҳат Аъзамова ҳам «Болаларни педагогик ҳамкорлик асосида мактабга тайёрлаш жараёнининг дидактик ҳусусиятлари» мавзуси бўйича изланмоқда. Соҳанинг паст-баландини биладиган мутахассис сифатида у кишининг фикрлари билан қизиқдик.

— Албатта, мактабгача таълим йўналишида илмий иш олиб бораётган ходимлар билан узвий ҳамкорлик ўрнатганимиз. Марказимиз республика МТМларига энг сара ва мазмунли методикаларнинг татбиқ этилишидан маънафатдор. Бугун мактабгача таълим йўналишида илм қиладиган тадқиқотчиларга, уларнинг амалий таклифлари, синовларда товланган тавсияларига эҳтиёж катта.

Мақолаимиз аввалдаги педагогика йўналиши бўйича илмий даражага эга олимлар сонини келтирган эдик. Маълумотлар тўплаш жараёнида шунга амин бўлдики, мазкур рақамларнинг жуда кам қисмигина мактабгача таълим йўналишидаги тадқиқотчиларга тегишли экан. Соҳада илмий фаолият билан машғул зиёлилар меҳнатини эътироф этган ҳолда айтиш жоизки, уларнинг ҳар бири шогирд тайёрлашга киришса, мактабгача таълим йўналишида илмий тадқиқотлар сони камлиги муаммоси барҳам топиши, шубҳасиз. Сон ва сифат даражаси юқори бўлсагина, танлаш имконияти пайдо бўлади. Бу эса мактабгача таълим мазмунининг ошишига, фақат энг сара методикалар юзга чиқишига замин ҳозирлайди.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ИЛМИЙ ИШ ҚИЛМОҚЧИМИСИЗ?

мактабгача таълим йўналишида ўз
тадқиқотчисини кутаётган мавзулар талайгина

га индивидуал тартибда бириктирилган. Дарсдан бўш вақтлари ижодий ҳамкорлик қилишади, ўзаро фикр ва таъриба алмашишади. Мақсадимиз, ҳар бир битирувчи соҳанинг илмий-амалий жиҳатларидан тўлақонли бохабар бўлсин ва бирор масала юзасидан ўз гоёларини илгари суриб, янгилликлар яратсин.

Мактабгача таълим йўналиши доирасидаги илмий кадрлар салоҳияти ва соҳада юз бераётган янгиланишлар борасида кафедра мудири педагогика фанлари номзоди, доцент Шойиста Содиқова шундай дейди:

— Иқтидорли талабаларни магистратурадёқ изланишлар олиб бориб, илмий мақолалар ёзишга ундаймиз. Бу борада ҳар чоракда семинар-тренинглар ўтказамиз. «Устоз-шогирд мактаби» анъаналари бўйича магистрант талабалар илмий ходимлар билан ҳамкорликда ишлайди. Ҳар бир илмий ходим ўз тадқиқоти бўйича танлаган объектига талабаларни ҳам жалб қилади. Кафедрамиз тадқиқотчиларнинг тав-

гари сураётган амалий таклифлари, қўтилаётган самара ва натижалар билан қизиқдик.

Барно Ҳожимуродова «Мактабгача ёшдаги болаларни тежамкорликка ўргатишнинг педагогик омиллари» мавзусидаги диссертацияси амалиётга учун республикамизнинг турли ҳудудларида жойлашган 5та МТМда таъриба-синов ишларини олиб бормоқда. Унинг халқ педагогикаси дурдоналаридан фойдаланиб, мактабга тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларида тежамкорлик ҳислатини шакллантириш бўйича тавсияларни омаллаштирилди. Натижада, болалар сувни, газ ва электр энергиясини исроф қилмасдан ишлатиш, ўқув қуролларидан аяб фойдаланиш, кийим-кечакларни озода сақлаш, умуман олганда ўз ва бошқаларнинг мулкига нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида етарли тасаввурга эга бўлишди.

Мадина Расулхўжаева эса «Мактабгача ёшдаги болаларда ҳайвонот олами орқали ахлоқий тарбия мотивларини

лифлари бу борада жуда асқотиди. Ангрен шаҳридаги 2та, Гулистон шаҳридаги 2та ва Юнусобод туманидаги 366-МТМда ўтказилган амалий тадқиқот асосида она—бола—тарбиячи занжири бўйича фойдаланиб амалий таклифлар берилди. Бунда бола руҳиятининг ранг-баранг қирралари ҳам ҳисобга олинган бўлиб, тарбиячилар фаолиятида анча энгилликлар сезилди.

ТАНЛАШ ИМКОНИЙТИ БОРМИ?

Мактабгача муассасалар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика ўқув-методика маркази мутахассиси Зулфия Раҳимова «Кичик ёшдаги болалар ҳаёт ҳавфсизлигини таъминлашда ота-оналарни ижтимоий-руҳий тайёрлаш» мавзусидаги номзодлик диссертацияси устида ишламоқда. Олиمانинг тадқиқоти «Ҳаёт ҳавфсизлиги асослари» дастурининг МТМларда машғулотлар таркибига интеграл равишда ўргатилишида муносиб методик манба бўлиб хизмат қилади.

СОҒЛОМ ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

Ёшларни оилага тайёрлашда соғлом турмушга доир билим ва қўнималарни ошириш, қашандалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ОИТС каби ҳатари иллатларнинг ноҳуш оқибатларини кенг тушунтириш муҳим аҳамиятга эга.

Жиззах шаҳридаги 1-умумтаълим мактабида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўғрагида мазкур масалаларга алоҳида

2012-yil — Mustahkam oila yili

эътибор қаратилмоқда. Замонавий усулда жиҳозланган, шина хонада тўғарак машғулоти мунтазам йўлга қўйилган. Олий тоифали ҳамшира Мухлиса Мустафоева бағоят ёшдаги қизларга шахсий гигиена, соғлом оила асослари ва соғлом турмуш тарзи, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, насл саломатлигига таҳдид солувчи касалликлар ва иллатлардан сақланиш сингари долзарб мавзуларда сўхбатлар ўтказди. Ўқувчиларни қизиқтирган масалалар ўрганилиб, машғулотларга малакали мутахассислар таклиф этилади. Тўғарак аъзолари сафи тобора кенгайиб бораётгани ёшларда соғлом турмуш тарзига интилиш ортаётганидан далолатдир.

Суратларда: олий тоифали ҳамшира Мухлиса Мустафоева тўғарак аъзолари Нилуфар Тоштемирова, Шаҳло Умарова ва Марина Долгая билан.

Умар РАҲМОНҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.



«Ma'rifat» gazetasi 2012 йил 8 февраль сониди эълон қилинган «Кўрсам эслаб қолман, бажарсам тушунаман» мақоласини ҳар бир мактаб методик кенгашида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Зеро, ўқувчиларнинг аксарияти аниқ фанларга эмас, ижтимоий фанларга кўпроқ эътиборли бўлишади. Техника тараққиёти даврида эса аниқ фанлар йўналишида изланиш олиб бораётган мутахассисларга эҳтиёж катта.

Кимё фанидан атом, ион, молекула ва шу каби таъин сўзларнинг туб мазмунини ўқувчи фақат тажрибаларда ойдинлашади. Шу боис олимпиада ғолиблари асосан лаборатория ва амалий ишлар яхши йўлга қўйилган мактаблардан етишиб чиқаёпти. Ўқувчи қўллари билан «Ижро этилган» тажрибалар қузатувчанлик, ўз

ти, ҳар бир ўқитувчининг билими, педагогик маҳоратиға мос тоифалар берилаёпти, устам ҳақлар ажратилаёпти.

Набираларим ўқийдиган мактаб капитал таъмирланган, аммо кимё фанидан 61 соатлик амалиёт ва лаборатория дарслари оддий реакциялар намойиши билан чегараланган ҳолда ўтиларди. Мактабга бориб, фикрларимни билдирганимдан сўнг дарс анча сифатли ташкил этила бошлади. Тўғри, ўз хизмат вазифасига масъулият билан ёндашаётган муаллим, услубчи, илмий бўлим ходимлари кўпаймоқда. Бироқ мактаб ҳаётини жонлантиришга ота-оналар ҳам масъул, назаримда. Қайсики билим масканида ота-оналар билан ҳамжиҳатда фаолият юритилса, шу мактаб таълим-тарбия ишларида яхши

пади. Илгари бугунгидек техник жиҳозлар ва лаборатория асбоблари йўқ эди. Эсимда, лаборатория машғулотларини ўтказиш учун СамДунинг кимё факультетидан кимларнингдир воситачилигида реактив ва махсус шиша идишлар олар эдик. Ўзим ишлайдиган билим юрти лабораториясини жиҳозлаш учун эса соҳага оид тадбиркорликни йўлга қўйгандик. Кийимлардаги доғни тозалайдиган шаффоф эритма, авто-ручка учун сиёҳ ишлаб чиқаришга эришдик. Ана шу тадбиркорлик орқали топишган маблаг ва қисман ўз ҳисобимиздан лабораторияни жиҳозладик. Вилоятда биринчилар қатори техник воситаларни бошқарув пултига уладик, кўлда жўлбардиган доска-экран ўрнатдик,

ФАРЗАНД ОТА-ОНАДАН ЎРНАК ОЛАДИ

Мен қишлоқда туғилганман. Энам — Ўктамхон отин ўз даврининг маърифатли аёлларидан эди. Ҳазрат Навоий, Машраб, Бобур, Ҳувайдо ғазалларини ўқиганида барчанинг қалби титраб кетарди.

Aks-sado

Энам эски ўзбек ёзуви, араб, форс тилларини яхши биларди. Мазкур ёзувда ҳуснихати чиройли, айниқса, наъналик хатида жуда нафис битиклар ёзарди. Биз тўп-лончи болаларнинг, ота-онамиздан ташқари, дафтаримиздаги ёзувларни шахсан ўзи кўрарди, ҳуснихатимиз чиройли бўлишини қайта-қайта таъкидларди. Ёзувимиз сал хунук бўлса, эринмасдан такрор-такрор ёздирарди. Хат ҳам хусн, дер эди, қуёшим — энажоним. Энам бизнинг газета-журналларга мақола ёзишимизни хуш кўрарди. Аммо бот-бот «Қалам — кетмондан оғир» сўзини айтиб, оз ва соз сўзлагин, деб кўп таъкидларди.

Энам ҳафтанинг етти кунини номлаб қўйганди. У ниҳоятда қаттиққўл, ҳам ўқишимизни назорат қиларди, ҳам бажарадиган юмушимизни. Оллоҳга шукрки, энажоним ўғит-насиҳатлари ва таълим-тарбияси натижасида яхши одамлар бўлдик...

Ўтмишни эсламоқ — улуг иш, дейишади. Журналист Ҳусан Карвонлининг «Оила — маънавият кўргони» (2012 йил, 31 март) мақоласи болалик хотираларимни яна бир бор эслашга ундади.

«Ўғлимга мактублар» туркумидан берилётган материалларнинг ҳар бирини ҳам она, ҳам мутахассис сифатида диққат билан ўқиб бораман. Оила даврасида ҳам муҳокама қиламиз.

«Оила — маънавият кўргони» мақоласидаги ҳар бир бўлимнинг ўзи бир мақола, панд-насиҳат, деб ўйлайман.

Мақолани ўқиш жараёнида бир неча саволлар туғилди. Ҳар бир оила бошлиғи кунларнинг мазмунли ўтишини ташкил этиш учун муаллиф сингари ўз кўргони имкониятидан келиб чиқиб, ҳафта кунларини номлаганими? Боланинг ҳам тарбиясида, ҳам шахсий, ҳам ижодий фаолиятида бўшлиқ мавжуд эмасми? Бўшлиқ бўлса, қандай тўлдириш йўллари кўрдингиз, қайси усуллари кўлладингиз? Муаллиф халқимизнинг доно мақоли — «Қуш уясида кўрганини қилади» орқали таъкидлаганидек, фарзандлар ота-онадан андоза олади. Умри-мизнинг ҳар сониясини тўғри режалаштиришимиз лозим. Энам, ҳар нарсанинг уволи бўлгани сингари, умрининг ҳам уволи бор, дер эди. Вақтинг кетди — нақдинг кетди, деганлари шу бўлса керак-да.

Муаллифнинг «Пайшанба кунини эркин ижодий кун» деб номлагани менга маъқул келди.

Бизнинг оиламизда ҳам мана шундай аъёна бор. Масалан, бизда чоршанба — мутолаа куни. Яқшанба эса — маданият куни.

Мақоладан ҳар бир оила ибратли «нимадир» олади, деган умиддаман. Диққат билан ўқисангиз, кўп нарсани olasiz.

Сўзим сўнггида бир тақлифни илгари сурмоқчи эдим: мазкур мақоладан келиб чиққан ҳолда ҳар бир оила ҳафта кунларини қандай номлаши, оилавий тотувликни сақлашдаги тажрибалари, фикрлари билан ўртоқлашса. Ажабмас, оила деган муқаддас даргоҳга энди қадам қўйган ёшларга, турмушнинг баланд-паст сўқмоқларида уриниб-туртииб юрганларга нафи тегса.

Қумрихон СУЛТОНОВА

ЎҚИТУВЧИ

**фақат дарсликдагини ўқувчига етказадиган
воситачига айланиб қолмаслиги керак**

салоҳиятига ишонч, мушоҳада юритиш, ижодий фикрлаш ва илмий ҳулоса чиқариш сингари ижобий ўқинмаларнинг ривож топишида бекиёс аҳамият касб этади. Ўқувчи руҳията амалиёт билан боғлиқ бундай сифатларнинг тақомиллашиб бориши аниқ фанларга кизиқишни оширади. Аслида ҳам, оддийдан мураккабга интенсив ўсиб боровчи узвийлик, ўзаро алоқадорликни амалий ва лаборатория соатларисиз таъминлаш мумкин эмас. Мактабда кимё дарсини етарлича илмий асосда ўқимаган ўқувчи кейинчалик коллеж, лицейда ҳам бу фанни ўзлаштиришда қийналади.

Республикамиздаги барча мактаблар замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, техник восита ва реактивлар билан таъминланган. Энди муаллим ижодкорлиги, ташаббус ва изланувчанлиги доимий эътиборда турибди. Ўқитувчининг ҳар бир дарс соати ўзига хос бетакрор ижодий жараён бўлмоғи лозим. Иш ҳақи ҳам ана шу ижодий жараённинг натижасига кўра белгиланаяпти.

кўрсаткичларга эришаёпти.

Дарс — муқаддас, дейилади. Савол туғилади: нега ўқитувчи эмас? Чунки, мазкур иборанинг туб мазмунини тегаран англаб, шунга мос фаолият кўрсатишга интиланган ўқитувчига хурматга лойиқ-дир. Муаллим дарслик ва ўқувчи орасида фақат воситачи бўлиб қолмаслиги, балки ўқувчисини тафаккурга қоралайдиган, ўнда билим олишга истак уйғотадиган маҳоратли руҳшунос бўлмоғи керак. Дарс жараёнида асабийлашиб, болаларни кетма-кет тартибга қайириш — ўқитувчининг айна вазиятдаги педагогик ожизлиги, суст тайёргарлигидан келиб чиқадиغان ҳолат. Ҳар бир бола руҳиятидан хабардорлик ўқувчиларга ўқув материални бекаму кўст сингидириш имкониятини беради. Дарс давомидида муаллим яратган яхши кайфият ҳар иккала томонга ижодий фаоллик бахш этади.

Ўз олдига самарали дарс ўтишни қатъий мақсад қилиб қўйган ўқитувчи ҳар қандай шароитда ҳам бунга имкон то-

дастурда кўрсатилган лаборатория ва амалий ишларни юқори савида ўтказилишини таъминладик. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди: ўқувчиларимиз кетма-кет 4 маротаба кимё фани бўйича республика олимпиадаси совриндорлари қаторидан жой олишди (1-, 2-ўринлар, жами 6 киши). Мақсадимиз мақтаниш эмас, ёш ўқитувчиларни давлатимиз яратиб қўйган имкониятлардан фойдаланиб, дарс сифатини кўтариш йўлида фидокорона меҳнатга қорлашдир!

Дунё ахборот тармоғидан баҳраманд бўлаётган бугунги ўқувчининг бутун онгу шуурини бир соатлик дарс давомидида аниқ мақсад сари йўналтириш ўқитувчидан анчайин юксак маҳорат талаб қилиши табиий. Унутмаслигимиз керакки, биз ўқитаётган ҳар бир болада бекиёс интеллектуал куч муҳассас. Энг асосий вазифамиз — ана шу қувватнинг ривожини таъминлашдир!

**Юсуфжон СОЛИЕВ,
нафақадаги олий тоифали
кимё фани ўқитувчиси**

БАҲОРИЙ ТАНЛОВЛАР ФЕСТИВАЛИ

Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейида баҳорий танловлар фестивали бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирлиги Ziyonet бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбир «Мустаҳкам оила йили»га бағишланди. Унда лицей директори Зулфқор Холимирзаев ўқувчиларнинг шу ўқув йилида эришган ютуқлари ҳақида бахраниб гапирди. Чунончи, лицейнинг иқтидорли ўқувчилари Рим, Алматы ва Санкт-Петербург шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро танловларда фахрли ўринларни эгаллаб қайтидилар. Яқинда ўтказилган «Санъат гунчалари» республика ёш мусика-

чилар танловидаги Эта Гран-при совринини ҳам шу лицей ўқувчилари қўлга киритишди. Ҳозир 6 нафар ўқувчи билимлар беллашувининг республика босқичига тайёргарлик кўраёпти.

Баҳорий танловлар фестивали ўқувчиларга баҳорий кайфият улаштириш, уларни янада шижоатли, ташаббускор ҳамда фаол бўлишга ундаш мақсадида ташкил этилди. «Энг яхши вилоят миллий таомлари» танлови лицейнинг 8-синф ўқувчилари ўртасида «Энг яхши расм» танлови тасвирий ва амалий санъат йўналиши ўқувчилари ўртасида эълон қилинган бўлса, 5—7-синф ўқувчилари «Энг яхши жонли бурчак» эгаси бўлиш учун курашишди. Миллий либослар ва хўжалик буюмлари кўргазмаси эса тадбирга ўзгача кайфият бахш этди. Фестивал сўнггида



ғолиблар эълон қилинди. Ўқувчилар «Энг чиройли дастурхон», «Энг фаол синф», «Жонли бурчак тайёрлашда фаол иштироки учун» каби бир неча номинация бўйича ҳам тақдирланди. Ўқувчилар ижро этган куй-қўшиқ,

сахна кўриниши ва турли чиқишлар барчада илиқ таассурот қолдирди.

**Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири
Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.**



Тўғри танланган касб келажак пойдеворидир. Киши ҳаётда ўз ўрнини топиб, бахтли яшашида ёшликдаги кўнгил истаги ва қизиқишлари асосида касб-хунар эгаллаши жуда муҳим. Айтиш мумкин, юртимизда умумтаълим мактаби 9-синф битирувчиларининг ўз иқтидори ва истеъдодидан келиб чиққан ҳолда касб танлашига кўмаклашиш, уларни таълимнинг кейинги bosqichiga тўла қамраб олишининг ўзига хос механизми шаклланган.

Маълумот сифатида айтиш жоизки, жорий ўқув йилида 9-синфни 560 минг 345 нафар ўқувчи тамомламоқда. Хўш, бу йилги битирувчиларни касбга йўналтириш ва уларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқишни давом эттиришини таъминлашга қаратилган ишлар қандай кечмоқда? Шу каби саволларга жавоб топиш ва жараён билан яқиндан танишиш мақсадида Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика таъхис маркази раҳбари Исмоил Ҳайдаровга мурожаат қилдик.

— Битирувчиларни таълимнинг кейинги bosqichiga қамраб олишда Республика таъхис марказининг хизмати ва аҳамияти беқиёс. Ҳозирда бу борада қилинаётган ишлар, яъни жараён ҳақида гапириб ўтсангиз.

— Хабарингиз бор, Халқ таъли-

ма ўқув йилининг бошида ўтказилди. Натижа асосида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, уларнинг тўғри ва онгли тарзда касб танлашига кўмаклашиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Худудий вакилларимиз ота-оналар ва ўқувчилар орасида тарғибот-таш-

— Сўровнома ўтказишнинг қандай усул ва шакллари-дан фойдаланилмоқда? Умуман, сўровномадаги касб турлари бугунги меҳнат бозорига қанчалик мос?

— Юқори синф ўқувчиларининг касбий мойиллик ва қизиқишларини аниқлаш учун амалиётда махсус психологик-педагогик таъхис методикалари мавжуд. Бироқ бу услублар узоқ йиллар давомида қўлланиб келинаётгани, саволларнинг ҳозирги кунга мос эмаслиги, яъни тавсия этилаётган касбларнинг айримлари бугунги кунда йўқолиб кетгани боис мазкур услубларни қўриб чиқиш, бошқалари билан алмаштириш зарурати туғилди. Шу мақсадда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Ўзбекистон Миллий университети психология факультети

ФАОЛЛАР ЙИҒИНИ

қандай ўтказилади?

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан 2012 йил 19 апрель кuni республикадаги барча умумтаълим мактабларида 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги bosqichiga тўлиқ жалб этиш бўйича «Фаоллар йиғини» ўтказилади. Тадбирда ота-оналар, маҳаллий ҳокимликлар, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаларининг худудий бўлинмалари вакиллари, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ходимлари фаол иштирок этишади.

«Фаоллар йиғини» кuni мактаб ўқувчиларининг меҳнат дарси ва тўғарақларда ўз қўли билан тай-

Rasmiy bo'lim

ёрлаган ишлари кўргазмаси ташкил этилади. Кўргазма билан танишув жараёнида вилоятдаги академик лицей ва касб-хунар коллежларининг манзилли рўйхати тайёрланиб, барча йиғилиш иштирокчиларига тарқатилади.

«Фаоллар йиғини» аввалида сўз мактаб директорида берилади ва у Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўзига хос хусусиятига тўхталиб, тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими мажбурий экани, 9-синф битирувчилари академик лицей ёки касб-хунар коллежини ихтиёрий танлаши, ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича мактабда олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот беради.

Сўнгра тадбир иштирокчиларига сўз берилади. «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси вакиллари «Бир болага етти кўшни ота-она», «9-синф битирувчилари ҳақ-хуқуқларининг меъёрий асослари» мавзуларида, хотин-қизлар кўмитасининг вакили «Қиз боланинг касби — унинг бахти» мавзусида, педагог ходимлар мактаб-маҳалла-ойла-касб-хунар коллежлари ҳамкорлиги алоқалари ҳақида, ота-оналар фарзанд тарбиясида оиладаги ижобий муҳитнинг аҳамияти тўғрисида ишлаб чиқариш корхоналари ва фермер хўжалиги вакиллари «Касбим — фахрим» мавзусида фикр юритиб, ўз мулоҳазаларини билдиришади.

«Фаоллар йиғини»да сўзга чиқувчилар учун маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, тегишли вакиллар билан ҳамкорликда алоҳида мавзулар танланиши ҳам мумкин.

«Фаоллар йиғини»да мактабда тахсил олаётган фарзандларимизни таълимнинг кейинги bosqichiga жалб этиш бўйича ҳамкорликда амалга оширилажак ишлар режалаштирилади. Ҳар бир иш бўйича масъулар белгиланади.

«Фаоллар йиғини» тўғрисидаги хабарлар ва мақолалар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

«Ma'rifat» мухбири
Аброр УМАРКУЛОВ
суҳбатлашди.

РЕСПУБЛИКА
ТАЪХИС МАРКАЗИ

КАСБИЙ СЎРОВНОМА

ундаги касб турлари бугунги меҳнат бозорига қанчалик мос?

ми вазирлиги томонидан 2010—2011 ўқув йилидан умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларни тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг қизиқишлари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида жалб этилиши мониторингини олиб бориш учун интернет тармоғида www.bitiuvchi.uzedu.uz дастури яратилган эди. Ушбу дастур 2011-2012 ўқув йилида марказимиз ходимлари томонидан янада тақомиллаштирилди. www.mh.uzedu.uz дея ном олган мазкур дастур синовдан муваффақиятли ўттич, электрон база билан ишлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги вакилларимиз учун ўқув-семинарлари ташкил этилди. Ҳозирги кунда республика-камиздаги барча битирувчиларни қамраб олиш борасидаги ишларнинг биринчи bosqichi нихоясига етказилди.

— Дастурнинг тақомиллашган жиҳатлари нималарда кўзга ташланади?

— Энг аввало, дастурнинг самарали ишлаши йўлга қўйилди. Яъни, сервердаги айрим муаммолар бартаф этилди. Яна бир жиҳати, «Ўқувчилар ҳаракати» тутмаси йил бошидан фаол ишлай бошлади. Ушбу тутма ёрдамида битирувчи синф ўқувчилари бир мактабдан бошқасига кўчиши натижасида юзга келадиган муаммоларга барҳам берилди. Шунингдек, дастурдан барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг номлари, улардаги йўналишлар ҳақидаги маълумотлар ҳам жой олди.

— Албатта, бу ишнинг техник томони. Бироқ асосий масала — ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда марказ қандай ишлар амалга оширмоқда?

— Бу борада битирувчи ўқувчилар ўртасида уч бора ўтказиладиган сўровнома муҳим аҳамият касб этади. Масалан, биринчи сўровно-

ма виқот ишлари олиб боришди. Ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсиялар уюштирилди. Маҳаллий ҳокимликлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда турли тадбирлар, учрашувлар ташкил этилмоқда. Масалан, жойларда «Орзумдаги касб», «Мустақкам оила», «Касб танлови», «Танлаган касбинг — ҳаёт йўлинг» ва «Касб танлашда адашма!» мавзуларида тренинг машғулотлари, «Қиз боланинг касби — унинг бахти» мавзусида давра суҳбатлари, «Очиқ эшиклар кuni» тадбирлари, «Мен орзу қилган касб» мавзусида иншолар танлови, «Тўғри танланган касб — келажак пойдевори» номли фестиваллар ўтказилаётган. Ана шундай фестивалларнинг бири Андижон шаҳридаги Ёшлар марказида вилоят битирувчи қизлари иштирокида бўлиб ўтди.

Бундан ташқари, мазкур ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида «Касб ойлуги» йўлга қўйилди. Жумладан, сентябрь — «Алоқа ва хорижий тиллар», октябрь — «Уй-жой коммунал хўжалиги», ноябрь — «Қурилиш ва аниқ фанлар», декабрь — «Транспорт», январь — «Саноат», февраль — «Савдо ва умумий овқатланиш ҳамда табиий фанлар», март — «Ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий фанлар», апрель — «Педагогика», май эса — «Маданият» ойлуги деб белгиланиб, турли кўргазмалар, очиқ дарслар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Натижада, шу йилнинг феврал ойида бўлиб ўтган сўровно-нинг иккинчи bosqichida ўғил-қизларнинг мақсад ва режалари янада аниқлашди.

профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда бутунлай янги ва юртимиз меҳнат бозорига мослаштирилган «Касб танлаш мотивини аниқлаш», «Касбий мойиллик сўровномаси», «Касб типларини аниқлаш» методикалари ишлаб чиқилди ва Тошкент шаҳрининг умумтаълим мактабларида тажриба-синовдан ўтказилиб, мазкур йилдан амалиётга жорий қилинди. Ҳар бир услуб бўйича амалиётчи психологлар саволларнинг аниқлиги, қисқалиги, миллий муҳитимизга мослиги, тавсия этилаётган касбларнинг замонавийлиги, сўровнома ўтказишда ва натижаларни таҳлил этишда кўп вақт талаб этмаслиги ҳақида ҳамда амалиётга татбиқ этиш бўйича ижобий фикр-мулоҳазаларини билдирди. Масалан, «Касб танлаш мотивини аниқлаш» услубида ўқувчининг маълум касбини танлаши сабаби аниқланса, «Қизиқишлар анкетаси» орқали синалувчининг у ёки бу фаолият турига қизиқиш даражаси белгиланади. «Касб типларини аниқлаш» методикасида ўқувчи ўз имкониятига қатор тасдиқлар орқали баҳо беради. Бу тасдиқлар ўқувчига касб типлари, яъни инсоннинг табиат ва техника билан, белгилар тизими, бадий образ ва инсоннинг бошқа инсонлар билан доимий муносабатини талаб этадиган касбларни танлашда маълум бир хулосага келишига ёрдам беради.

Шу ўринда бир янгиликни айтиб ўтсам, марказимизнинг www.tashxis.uz сайти ишга туширилди. Ушбу сайт орқали қизиқувчилар барча маълумотларни топиши, ўзларини қизиқтирган саволларга форумда жавоб олиши мумкин.

QUROQ QURAGANMISIZ?

Quroqchilik xalq amaliy san'atida o'ziga xos o'rin tutadi. O'zbek ayollari azal-azaldan qiyqim matolarni tashlab yubormay, ro'zg'orbop buyumlar tikishgan, san'at asarlari yaratishgan. Bugun qadimiy quroq dasturxon-u so'zanalarni ko'rganda momolarimizning topqirligi-yu tejamkorligiga qoyil qolamiz. Bu hunar hozirgi kunda ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan bo'lib, qizlarimizga hayotda juda asqotadi. Shu bois mehnat ta'limi fanidan 7-sinf o'quv dasturiga quroqchilik mavzusi kiritilgan. Quyida "Quroqning "Yo'l-yo'l" shaklida ushlagich tikish" mavzusi bo'yicha bir soatlik dars ishlanmasi havola etilmoqda.

Darsning maqsadi: quroqchilik san'ati va uning detallari haqida ma'lumot berish.

Ta'limiy: o'quvchilarda quroqchilik san'ati, yostiqlik jildlari, divan g'illoflari, gilamchalar, shuningdek, kiyimlar uchun bezak detallarini tayyorlash ko'nikmasini shakllantirish.

Tarbiyaviy: o'quvchilarda nafosat tuyg'usini tarbiyalash.

Rivojlantiruvchi: o'quvchilarning xalq hunarmandchiligi haqidagi tasavvurlarini kengaytirish, tejamkorlikka o'rgatish.

Asosiy jihozlar: quroq, gazlama qiyqimlari, shablon, qaychi, to'g'nog'ich, angishvona, flezelin, chizg'ich, bo'r, nina, ip, qalam, tikuv mashinasi.


Dars o'tilganlarni takrorlash bilan boshlanadi. O'quvchilarni ikki guruhga ajratilib, har bir guruhga mavzu bo'yicha alohida savol beriladi:

I guruh: "Chevar qizlar"	II guruh: "Orasta qizlar"
1. Quroq nima?	1. Quroq tikish uchun qanday gazlamalardan foydalaniladi?
2. Qanday quroq turlarini bilasiz?	2. Andoza bilan shablonning farqini aytng?
3. Quroq qanday geometrik shakllarda bo'ladi?	3. Quroqning geometrik shakllariga ta'rif bering?
4. Divan va stul g'illoflari uchun qanday gazlama tanlanadi?	4. Furnitura nima?
5. Quroq tikishda qanday qo'shimcha furnituralardan foydalaniladi?	5. Quroq tikishda ish joyini tashkil etishni gapirib bering?
6. Yaroqsiz gazlamalardan yana nimalar tiksa bo'ladi?	6. Ko'rpa, ko'rpacha, so'zana, gilamlar ham quroq turiga kiradimi?
7. Qanday chok turlarini bilasiz?	7. 2012-yil qanday yil deb e'lon qilindi?
8. Xalq hunarmandchiligiga nimalar kiradi?	8. Divan g'illoflari va yostiqlik jildlari uchun qanday gazlamalardan foydalanish mumkin?

Javoblar tekshirilib, yangi mavzu bayoniga o'tiladi.


O'qituvchi: Quroq — mayda bo'laklarni ulab bezak yaratishdir. Shu usulda tikilgan bezak, buyum ham quroq deb ataladi. Amaliy san'atda keng tarqalgan. Ko'rpa, ko'rpacha, choyshab, so'zana, dasturxon, gilam va boshqa jihozlar qadimdan shu usulda tayyorlangan.

Bichishda qulay bo'lishi uchun kardon yoki qattiq qog'ozdan shablonlar tayyorlanadi. Shablon yordamida sidirg'a yoki gulli gazlamaga chok haqisiz chiziladi. So'ngra hamma tomonidan 0,5–0,7 sm. chok haqi qoldirib, ikkinchi chiziqni o'tkazamiz. Shundan keyin ichki va tashqi kontur chiziqlari bo'yicha ehtiyotkorlik bilan qirg'iladi.




Kerakli elementni bichish uchun, gazlamaning teskari tomoniga shablonni qo'yib, ham ichki, ham tashqi konturlarini qalam bilan chizamiz. Tashqi kontur bo'ylab qirg'iladi, ichki kontur bo'ylab esa 2ta detal birlashtirib tikiladi. Qalin gazlamalar yonma-yon qo'yilib, tutashtirma chokda tikiladi. Buning uchun avval detallar chetlarini 2ta to'g'ri chokda, so'ngra ikkala detalni egallagan holda "zig-zag" chokda tikiladi. Bunda element uchun chok haqi qoldirmay bichiladi.

Amerikancha kvadratni bajaranishda shablon tariqasida oddiy chizg'ichni ishlatish mumkin. Uning kengligi kvadratning hamma tasmlariga mos bo'ladi. Tasmlar uzunligini avvaldan kesib olish tavsiya qilinmaydi. Buni tikib olingandan so'ng aniqlash kerak.





Birinchii usul: Ishni bajarish ketma-ketligi rasmda raqamlar bilan ko'rsatilgan.


Asos uchun kvadrat olish kerak. Avval unga 1-tasma tikiladi, so'ngra 2, 3, 4-tasmalar aylana bo'ylab biriktirib tikiladi. Qiyqimlar uzunligi doimiy ravishda uzayib boradi. Shunday usul bilan kerakli



o'lchamdagi kvadrat hosil qilinadi. Naqsh ifodali chiqishi uchun tasmlar rangiga e'tibor berish kerak.



Ikkinchi usul: asos uchun markaziy kvadrat olinadi. Tasma qiyqimlari qarama-qarshi tomon qilib tikiladi.



O'qituvchi: Aziz qizlar! Bugun darsimizda milliy hunarmandchilikning "Quroqchilik san'ati" tarixini o'rganib oldik. Har bir qiz voyaga yetgach, albatta, uy bekasi bo'ladi. Ajdodlarimiz merosini o'rganib, hayotda qo'llash har bir uy bekasining burchi hisoblanadi. Quroq tikish bilan birga oilada tejamkor bo'lishni, vaqti kelganda yo'qdan yo'ndirishni ham o'rganib oldingiz.

Dars so'ngida o'quvchilar baholanib, rag'batlantirilgach, uyga vazifa qilib yo'l-yo'l shaklida ushlagich tikib kelish buyuriladi.

Mohira LA'LIEVA,
Zangiota tumanidagi
56-umumta'lim maktabining mehnat fani o'qituvchisi



Darsning maqsadi:

Ta'limiy: o'quvchilarga o'zbek san'atkorlari va musiqiy jamoalar haqida ma'lumot berish, DTS talablariga erishish.

Tarbiyaviy: o'quvchilarga buyuk ajdodlarimizdan qolgan bebaho ma'naviy meros haqida ma'lumot berish va ular ongiga singdirish.

Rivojlantiruvchi: o'quvchilarga o'zbek san'atkorlari ijro etgan kuylardan namunalar eshittirish, musiqiy asarlarni tahlil qila olish ko'nikmalarini rivojlantirish.

Darsning usuli: noan'anaviy, «Aqliy hujum», «Ikki qismli kundalik».

Darsning jihozi: 7-sinf «Musiqqa» darsligi, yillik reja-konspekt, fortepiano, cholg'u asboblari (rubob, doira) va ko'rgazmalar,

1. 1916-yil tug'ilgansiz. Siz kimsiz?

texnik vositalar, CD disk yozuvlar.

Darsning borishi: o'quvchilar Muhammadjon Mirzayevning «Bahor vals» kuyi sadolari ostida sinfga kirib kelishadi.

Tashkiliy usul: salomlashish, davomat aniqlanadi, o'quvchilarning darsga tayyorgarligi tekshiriladi. O'qituvchi darsni boshlashdan oldin o'quvchilarda «Siz kimsiz?» savol-javob tadbirini tashkil qiladi. Bir o'quvchi doska oldiga taklif etiladi va unga o'qituvchi: «Hozir men sizga ta'rif beraman, siz buyuk shaxs, davlat arbobi, mashhur hofiz, ulug' siymo, atoqli san'atkor bo'lishingiz mumkin. Kim ekaningizni savollarga javoblaringizdan bilib olamiz», deya murojaat qiladi.

1. 1916-yil tug'ilgansiz. Siz kimsiz?

ATOQLI O'ZBEK SAN'ATKORLARI VA MUSIQIY JAMOALARI

2. 1949-yili Moskva davlat konservatoriyasini bitirgansiz. Siz kimsiz?
3. «Navoiy» operasini, «Zarragul», «Go'zal qizga» qo'shiqlarini yozgansiz. Siz kimsiz?
4. Atoqli o'zbek bastakori va kompozitori, O'zbekiston Respublikasi Davlat madhiyasi musiqasining muallifisiz. Siz kimsiz?

Ushbu savollardan keyin o'quvchi, albatta, atoqli san'atkor Mutal Burhonov ekanini aytadi.


Yangi mavzu: O'zbekiston mustaqillikka erishgan kundan boshlab musiqa san'atimiz rivojida katta o'zgarishlar ro'y berdi. Eng avvalo, buyuk ajdodlarimizdan meros mumtoz asarlar xalqimiz orasida keng targ'ib etilmoqda. Bunda atoqli san'atkor-ijrochilarning xizmatlari benihoya katta. Jumladan, O'zbekiston xalq artistlari Turg'un Alimov, G'anijon Toshmatov, G'ulomjon Hojiqulov, O'Imas Rasulov kabi mahoratli sozandalar g'ijjak, tanbur, sato cholg'ularida mumtoz musiqamiz hamda zamondosh bastakorlar asarlariga o'ziga xos sayqal berdilar. O'zbekiston xalq artisti Munajat Yo'ldiyeva, Maryam Sattorova, Nasiba Sattorova esa maqom ashula yo'llari, Yevropa hamda milliy bastakorlar asarlarini go'zal tarzda ijro etishga erishdi.

Mumtoz maqom va xalq musiqasi ijodiyoti namunalarini tinglovchiga bekam-u ko'st taqdim etishda O'zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi qoshidagi Yunus Rajabiy nomidagi «Maqom» ansambli, Xorazm viloyat televideniyesi qoshidagi Hoxijon Boltayev nomidagi «Maqom» ansambli, O'zteleradiokompaniya qoshidagi «Dutorchilar» ansambli singari ijodiy jamoalarning ham alohida o'rni bor.

Ayni paytda O'zbekiston musiqa san'atida asosan kompozitorlik ijodiyoti asarlarini yangi turda ijro etishga mo'ljallangan jamoalar faoliyati ko'zga tashlanadi. Bu borada, ayniqsa, «So'g'diyona» xalq cholg'ulari kamer orkestri, O'zteleradiokompaniya kamer orkestri, O'zbekiston milliy simfonik orkestri, Doni Zokirov nomidagi, To'xtasin Jalilov nomidagi xalq cholg'ulari orkestrlarining kontsert chiqishlari e'tiborli bo'lmoqda.

Musiqa tinglash: CD disk yozuvidan Turg'un Alimov sato cholg'usida ijro etgan kuylardan biri tinglanadi.

Musiqa savodi: «Qashqarcha» doira usuli 4/4 o'lchovida namoyon bo'lib, ritm tuzilmasi jihatdan quyidagi ko'rinishga ega:



Bum-ba-ka-bum-bak. Bum. «Qashqarcha» usuli «Soqi-noma»ga o'xshash o'lchov-ritm jihatlar bilan raqsbop hisoblanadi. **Izoh:** O'qituvchi savollarni o'qiydi. Har bir to'g'ri javob bitta nota tovush qatoriga joylashtiriladi. Magnit doskada hosil

bo'lgan tovushlar qatoriga qarab o'quvchilar kuylash mashqlarini bajaradi.

Masalan: 1-savolga javob — «do» tovushi joylashtiriladi.

2-savolga javob — «re» tovushi joylashtiriladi.

3-savolga javob — «mi» tovushi joylashtiriladi.

4-savolga javob — «fa» tovushi joylashtiriladi.

5-savolga javob — «sol» tovushi joylashtiriladi.

6-savolga javob — «lya» tovushi joylashtiriladi.

7-savolga javob — «si» tovushi joylashtiriladi.

8-savolga javob — «do» tovushi joylashtiriladi.

O'qituvchi: — Diqqat qiling, savolni o'qiyman.

1. Shashmaqom qachon va qerda shakllangan?
2. «Nasr» qanday ma'noni bildiradi?

3. Vena klassik maktabi qachon va qerda paydo bo'lgan?

4. «Ivan Susanin», «Ruslan va Lyudmila» operalarining muallifi kim?

5. «Nurxon», «Tohir va Zuhra» musiqali dramalaridagi musiqalar muallifi kim?

6. Hozirgi kunda O'zbekistonda maqomning necha turi mavjud?

7. Xorazm maqomlari atoqli ijrochilaridan kimlarni bilasiz?

8. Xorazm maqomlari chertim yo'li nima deb ataladi?

(Savollar javobini to'g'ri topa olsangiz, magnit doskada tovushlar qatori hosil bo'ladi.)

Jamoa bo'lib kuylash: F.Alimov musiqasi, P.Mo'min she'ri. (Qo'shiq mualliflari haqida ma'lumot berilib, qo'shiq jumalarga bo'lib o'rgatiladi.) «Ekspert» hisoblagan ballar o'qituvchi va o'quvchilarga e'lon qilinadi. G'olib chiqqan guruh va faol o'quvchilar rag'batlantiriladi va baholanadi.

Habibulla NE'MATOV,
G'uzor tumanidagi
61-maktabning
musiqasi muallifi fani
o'qituvchisi

O'QITUVCHI-IXTIROCHI

O'quvchilarni atamalar bilan ishlashga o'rgatish bo'yicha tajribadan

Malaka oshirish institutlarida qayta tayyorlovdan o'tish, mutaxassis olimlar tavsiyalaridan hamda tajribali ustozlar qo'llayotgan samarali uslublardan foydalanish o'qituvchining kasbiy mahoratini oshiradi. Qolaversa, bugungi kun o'qituvchisi davr talabiga ko'ra metodik usul va tavsiyalar ixtirochisi ham bo'lishi, ularni tahlil qilib va tajribadan o'tkazib, boshqa hamkasblariga tavsiya etishi kerak. Bugun men ham o'quvchilarda tarixiy so'zlar, atamalar ustida ishlash ko'nikmasini shakllantirish bo'yicha tajribamda sinalgan ayrim interaktiv metodlarni hamkasblarim e'tiboriga havola qilmoqchiman.

I. «Shaxsini aniqla» usuli. O'qituvchi bir o'quvchini doskaga chiqaradi. So'ng qog'ozga biror tarixiy so'zni, masalan, «Qushbegi» so'zini yozib, baholanayotgan o'quvchiga ko'rsatmay, unga ta'rif berishni boshlaydi: «Bosh vazirlik lavozimi». Doskadagi o'quvchi yashirin so'zni topa olmasa, o'tirganlar ta'rifini davom ettirishadi:

— «Davlatning barcha boshqaruv idoralari nazorat qilgan».

— «Viloyat va tuman hokimlari uning tavsiyasiga ko'ra tayinlangan».

— «U oliy hukmdor arkida yashagan»... Doskadagi o'quvchi javobni qanchalik tez topsa, bahosi shuncha baland bo'ladi. Darsda faol qatnashgan boshqa bolalar ham e'tibordan chetda qoldirilmay, qo'shimcha savol-javob orqali baholanadi. «Shaxsini aniqla» metodi yuqori sinf o'quvchilari uchun, ayniqsa, samarali usullardan biridir. Chunki bir darsda ko'proq o'quvchini qamrab olish, baholash imkoniga ega bo'lamiz. Ushbu metodni faqat tarix darslariga emas, balki adabiyot, geografiya, huquq, biologiya, zoologiya kabi fanlarga ham tatbiq qilsak bo'ladi.

II. «Lug'at» usuli. O'qituvchi o'quvchilarni 5-6 kishilik bir necha guruhga bo'ladi. So'ngra o'qituvchi o'zi xohlagan harf bilan boshlanadigan tarixiy so'z yoki atamalami bo'sh qog'ozlarga 5 daqiqa ichida yozishni buyuradi. Guruh liderlari yoki qatnashchilari o'z javoblarini hammaga ko'rsatgan holda himoya qiladi. Qaysi guruh eng ko'p atama yozsa va ma'nosini tushuntirib berolsa, g'olib hisoblanadi. Masalan, o'qituvchi «A» harfi bilan boshlanadigan tarixiy so'zlarni yozishni topshiradi: *Amlak, Amir, Anaxita, Axriman...* Shu tariqa davom ettirilsa, topshiriq to'g'ri bajarilgan bo'ladi. Bu usulni 8- va 9-sinflar uchun qo'llasak, maqsadga muvofiq. Chunki, ularning darsliklarida tarixiy atamalar ko'p uchraydi.

III. «Zanjir» usuli. Bunda o'qituvchi baholanayotgan o'quvchilarni davraga chorlab, bir-birlarining qo'llarini zanjir shaklida ushlashni buyuradi. So'ng ularga biror tarixiy so'zni aytadi va tavsiflashni birinchi «halqa»dan so'raydi. Ikkinchi «halqa» birinchisining gapini takrorlamasdan yangi fikr qo'shadi. Shu tariqa davom ettiriladi. O'quvchilar navbatma-navbat o'z ta'riflari bilan atama haqidagi ma'lumotlarni umumlashtiradi. Masalan, «Shayxulislom»ga ta'rif berish so'zalsa:

Birinchisi: — Qo'qon xonligida xondan keyin turadigan mansab.

Ikkinchisi: — U xo'jalar avlodidan bo'lishi kerak.

Uchinchisi: — Bu mansabga bilimli, o'qimishli kishilar tayinlangan.

To'rtinchisi: — Qozilish ishlari ham boshqargan.

Keyingisi: — Kundalik hayotda shariat qoidalarga rioya etilishini ta'minlagan, — deb javob berishi mumkin. Shu asnoda o'quvchi so'z boyligi va tasavvurlarini ishga solib, mustaqil fikrlashga o'rganadi.

IV. «Sana» usuli. O'quvchilar topshiriqni individual yoki guruhlariga bo'lingan holda bajarishi mumkin. Guruhlar bilan ishlaganda vatman qog'oz va marker beriladi. O'qituvchi yo'qlama qilish, dars mavzularini aniqlash, jurnalni to'ldirish uchun ketadigan vaqtdan unumli foydalanish maqsadida shu sanagi har bir harfga tarixiy so'z va atamalar topishni vazifa qilib beradi. Demak, darsning tashkiliy qismi tugagach, topshiriqni bajargan o'quvchilar ishi tekshiriladi. Masalan: Bugungi sana — beshinchi mart:

B egor
E lbarsxon
Sh ayxulislom
I noq
N aqib
Ch orsu
I chanqal'a

M iroxo'r
A mlak
R abot
T arxon

O'quvchilar ushbu vazifani bajarish orqali bilimni oshirish bilan birga, ball to'plab boradilar. Maqolada keltirilgan metodlardan unumli foydalana olsak, ta'lim samaradorligini oshirish, o'quvchini darsga befarq bo'lmay, o'z ustida individual izlanishga, mustaqil fikrlash va jamoa bo'lib ishlashga o'rgatish mumkin. Qolaversa, bolalarning ma'lumotlar bazasi, so'z boyligi oshadi va xotirasi mustahkamlanadi.

Oygul NURIDDIN qizi,
Olmazor tumanidagi 165-maktabning
tarix va huquq fani o'qituvchisi



ЗАМОН БИПЛАН ҲАМНАФАС

Мамлакатимизда таълимни ривожлантириш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар самарасида таълим сифати ва самарadorлиги тобора ошмоқда. Буни Фарғона вилоятининг қишлоқ мактаблари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Олтириқ тумани Қапчиғай қишлоғидаги 31-умумий ўрта таълим мактабида 787 нафар ўқувчи сабоқ олмақда. Таълим масканида ўқиш, ўқитиш замонавий таълим стандартлари асосида ташкил этилган. Дарслар жараёнида ўқув-лаборатория жиҳозлари, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчилар спорт билан шуғулланиши, бўш вақтини турли тўғра-рак машғулотларида ўтказиши учун барча шароит яратилган. Педагог кадрларнинг касб билан ҳамнафас бўлиши учун ularнинг касб малакаси мунтазам ошириб борилаётди.

Суратда: кимё фани ўқитувчиси Муҳаддас Бозорова ўқувчиси Нозима Мирзаумарова билан. Муқимжон КОДИРОВ (ўса) олган сурат.

«Фасли навбахор ўлди...», дея хиргойи қилаётган онага қизи Малика жўр бўлади. Онанинг камол топган майин овози ва қизалоқнинг болаларга хос бироз хом, аммо ширалли овозини «Фасли навбахор»нинг майин шамоллари Китооб тоғлари узра олиб қочади. «...кетибон зимистонлар» жумласи эса уй ичида диққанафас бўлиб ўтирган қўшни келинчакнинг қулоқларига да етиб боради. Баҳор кайфиятини улашувчи, олис болалик хотираларини тирил-

қандай савол қийнаётганини онасига эркалик, гоҳ қизларга ярашқили ноз ва яна қатъийят билан сўзлаб беради. Она ҳам кунт билан фарзанди саволларига бирма-бир жавоб қайтаради. Унга имкон қадар нимадир ўргатгиси келаверади. Қизининг келажагига умид билан боқаётган она фарзанди тарбиясига шу тарзда ёндашади.

— Санъатга мени онажоним қизиқтирган, — дейди суҳбатдошим — Китооб туманидаги 81-мактабнинг 5-синф

қўшиқларини ижро этганида ҳакамлар ҳайъати ва томошабинлар наздида саҳнага гўё Санобар Раҳмонованинг ўзи қайтгандек бўлди. Малика Пармонова фестивалнинг воқал — аънавий ижро йўналиши лауреати деб эълон қилинганида эса, у жажжи кўнглига «Мен, албатта, Муножот Йўлчиева, Санобар Раҳмонова сингари қўшиқчи бўлман» деган ниятни тугди. Бола қалбида туғилган бу ният амалга ошиши учун онаси — Барно Диеворадан ҳам

НИЯТЛАРИ УЛУҒ, МАҚСАДЛАРИ УЛКАН

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан халқ таълими соҳасини ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўқитувчиларнинг ҳам ўқувчиларга янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда сабоқ бериши ўз самарасини кўрсатаёттир. Бугун юртимизнинг изланувчан фарзандлари аждоқларга муносиб тарзда камол топиб, илм сирларини очишга, эришган ютуқлари билан дунё ахлини ҳайратга солишга қодир. Ана шундай ёшлардан бири

Самарқанд шаҳридаги 1-

физика-математика фанларида ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Соҳибжон Довуровдир.

Мактабда «аёло» баҳоларга ўқиши, интизоми ва намунали ҳулки билан тенгдошларига ибрат бўлаётган Соҳибжон ўқишга келган кунлариёқ устозлари назарига тушди. Мактабда ўтказилаётган турли тадбирларда фаол қатнашиш билан бирга, бўш вақтларида бадий асарларни мутолаа қилиш, кундалик ҳаётда керак бўладиган турли мосламаларни ихтиро этишга иштиёқманд.

У яқинда «Илмингизга таянинг» номли мослама ихтиро қилди.

Мосламада бир қатор аждоқларимизнинг исми-шарифи ва туғилган йили ёзиб кўрсатилган. Ўқувчи уларнинг туғилган йилини тўғри топиши керак. Жавоб айтилганда бошқарув пулти орқали унинг тўғри ёки нотўғрилигини билдирувчи чироқлар порлайди. Ушбу қурилмадан турли машғулотларда, ноанъанавий усулларда ўтилаётган дарсларда фойдаланилса, ўқувчининг билим олишга қизиқишини янада орттиради.

Соҳибжон ясаган «Хабарчи қўлқопча» мосламаси ҳам диққатга сазовор. Оддий материалдан тикилган қўлқопча турли тугмачалар тикиб чиқилган. Улар бармоқларнинг кафтга бориш йўналишига қараб бириктирилган. Бармоқнинг бирини босганингизда товуш чиқаради, иккинчисидан ўрта бармоқ учига ўрнатилган чироқча ёнади. Бу бировнинг кўмагига муҳтож, жисмоний имконияти чекланган ёки ёши улуг кишиларнинг қоронғида юриши, касалмандларнинг ҳамширани чақиришида қўл келади.

— Мактабимизда 5-6 нафар ўқувчи Соҳибжон каби турли мосламаларни ихтиро қилишди, — дейди ихтисослашган мактаб директори А.Мажидов. — Уларнинг ўқиши, дарсдан бўш вақтларида тўғаракларда соҳалари бўйича сабоқ олиши учун мактабда етарли

шарт-шароит яратиб берилган. Дарс қилиб тинчимайдиган, дунёқарашни тенгдошларига нисбатан анча кенг бўлган Соҳибжон келажақда юрт равнақи, эгаллаган соҳаси ривожига ўз ҳиссасини қўшишига ишонимиз.

Орзулари бир олам Соҳибжон келажақда кундалик ҳаётимизда керак бўладиган замонавий дастгоҳлар, турли мосламаларни ихтиро қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— Мен учадиган электрон қўшча ясамоқчиман — дейди у. — Қўшчага кичик камера ўрнатилади. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун асқотади. Турли жиноятларнинг фош этилишида ёрдами тегади, деб ўйлайман.

Соҳибжон Довуров яна электр энергиясини тежайдиган, фақат керакли вақтда ёруғлик таратадиган, автоматик тарзда ўзи ўчиб-ёнадиган чироқларнинг янги авлодини яратиб, йўлакларга ўрнатиш ниятида.

Бугунги ёш авлод буюқ аждоқларимизнинг муносиб вориси сифатида илм чўққиларини забт этиб, дунё ахлини яна ҳайратга солишга ишонимиз. Юсак марраларини кўзлаётган Соҳибжон ҳам мустақил юртинг истеъдодли фарзандлари қатори Ватанимиз нуфузи, шон-шўхрати ёйилишига ҳисса қўшса ажаб эмас.

Ҳаким ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири

«ДЎСТЛАР, ҒАНИМАТДИР, САЙР ЭТИНГ ГУЛИСТОНЛАР...»

тирувчи бу қадрдон оҳанг, дилда яшаш иштиёқини ловуллашиб юборувчи сўзлар — «Дўстлар, ғаниматдир, сайр этинг гулистонлар...» уни кенг адириклар сари чорлайди...

Қўшни келин «Фарзандларингизга кўк сомса қилиб берарсиз», дея, териб келган исмалоқларидан келтиради. Барно опа мактабдан ҳориб келганига қарамай тезда ишга киришиб кетади. Онанинг ёйиб, сўнг кесган хамирларига Малика чаққонлик билан тўғралган масалликни солиб бурма-бурма қилиб бука бошлайди. Бу онага ёрдам бўлса, қиз бола учун қатта ҳаёт мактабидир. Тандирга ёпилган сомсалар пишғунча она-бола дилдан суҳбат куради. Малика дарсларининг қандай бўлганини қандай вазифалар берилганини, нималарни ўрганди

ўқувчиси Малика Пармонова. — Онам мактабда ўқувчиларга мусикадан дарс бергани учунми, менга ҳам мусика, санъат олами, қўшиқ ижро этиш жуда ёқади.

Маликанинг ёшлигидан санъатга меҳри ўзгачалигини сезган она фарзандига мактаб дарсларидан ташқари мустақил равишда санъат сирларини ўргата бошлади. Тўрт йилдан бери ижрочилик бўйича мунтазам сабоқ олиб келаётган Маликада «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалида қатнашиш истаги туғилди. 2011 йили ушбу фестивалнинг туман, вилоят босқичларида муваффақиятли иштирок этиб, республика босқичида қатнашиш учун йўлланмага эга бўлди. Ёш истеъдод соҳибаси фестивалнинг республика босқичида Санобар Раҳмонованинг «Устозлар», «Онажон»

оналарга хос жасорат, сабр-

қаноат, ирода ва бардош, педагогларга хос изланиш, фарзанди билан тинимсиз машғулотлар олиб бориш талаб этилади. Шунда она ва қизнинг бу машаққатли, ёрқин келажак сари ташланган қадамлари ўз орзуси сари етаклайди. Малика айтган қўшиқлар ҳам худди «Фасли навбахор»дек халқнинг тилидан тушмай, қалбларга баҳорий кайфият улашиб туради.

Баҳор. Ёшариш, янгиланиш фасли. Қалбларда ажиб бир туйғулар уйғонади бу фаслда. Юракнинг туб-тубида келажакка ишонч, яшашга иштиёқ ортади. Қаҳрамонимиз сингари куйлагинг ва яна куйлагинг келаверади...

Моҳигул ҚОСИМОВА
Қарши

Qutlug' ostona

«ҚИЗИМГА КИЙИМ-КЕЧАККА БУЮРТМА ТУШАЯПТИ»

дейди хоразмлик оналардан бири

Кенгина хонада тўқув дастгоҳи ўрнатилган. Турли хил иппардан турфа рангдаги гиламчалар тўқилмоқда. Гиламдўзларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ёш қизларнинг нозик бармоқларида жило топаётган мўъжиза кишининг ҳавасини келтиради.

Вилоят «Баркамол авлод» болалар марказининг мўъжазгина биноси ҳамиша гавжум. Бу ерда фаолият кўрсатаётган тўғараклар болалар эҳтиёжи ва қизиқишларига мос.

— Марказимиздаги 15та тўғаракда 300 нафар ўғил-қизнинг иқтидори аниқланиб, шакллантирилмоқда, — дейди директор Роҳатжон Жуманиёзова. — Давлат талаблари асосида «Техник ижодкорлик», «Бадий ижодиёт», «Ўлкашунослик ва экология» йўналишларида ўғил-қизларнинг ижодий ва бадий қобилиятлари ривожлантирилади. «Моҳир

қўллар», бичиш-тикиш, тўқиш, мунчоқли безак, гиламчилик, «Ёш мусаввир», «Ёш пазанда» ва қандолатчилик тўғаракларига ўқувчиларнинг талаби юқори.

— «Гиламчилик — гобелен» тўғаракига қатнашман, — дейди Муаззам Ўринбоева. — Бу тўқиш турини ҳар бир дугонамга ўрганишни тавсия этаман. Чунки хунарли кишининг ҳамиша иши жойида бўлади. Хоразмликлар учун манзарали гилам, яъни гобелен тўқиш қадимдан урф. Хунармандчиликнинг бу туридан ҳар бир оила хабардор.

Ипдан кийим-кечак тўқиш санъати ҳам кўпчилик қизларни оҳанрабодек ўзига тартади. Тўғаракда нимча, замонавий кофта-юбкалар, пайпоқлар ва кичкинтойлар-

«Barkamol avlod» markazlarida

нинг турли хил кийим-кечаклари ўқувчи-қизлар ижодкорлиги билан дунёга келмоқда. Тўғарак раҳбари Муассар Отаниёзова шогирдларининг қизиқиши ва изланувчанлигидан мамнун.

— Қизим Умиданинг марказда касб-хунар сирларини эгаллаётганини қўриб,

жуда қувонаман, — дейди Мақсуда Тўлиева. — У ўтган йил сентябрь ойидан буён тўқиш тўғаракига қатнапти. Қизим ўзига нимча-сарафан тўқиб қийди, бирам ярашди.

Сингисига ҳам тайёрлаб берди. Буни кўрган ён-атрофимиздаги одамлардан буюртмалар туша бошлади. Ён қўшнимиз 80 яшар онахон Шодмонжон аянинг оёқлари мунтазам оғригани учун унга иссиқ-қина пайпоқ тўқиб бериб, дуосини олди.

Пазандачилик, қандолатчилик опа-сингилларимизнинг севимли машғулоти

саналади. Шунинг учун ҳам ушбу тўғаракка келаётган қизларнинг сафи кундан-кунга кенгайиб бораёттир.

— Турли пишириқлар қатори торт пиширишни ҳам ўрганиб олдик, — дейди Шоира Исмики қиз. — Раҳбаримиз Шахло Отажонованинг муомаласида меҳрибонлигидан миннатдоримиз. Элимизга Наврўз айёми таширф буюрган кунларда — сумалак, кўбарак, кўксомса, илдирма, исмалоқ гумма пишириб, ота-онамизни хурсанд қилдик.

Яқин кунларда марказни 700 млн. сўм маблағ эвазига мукамал таъмирлаш кўзда тутилган. Бу ерда энг замонавий техник жиҳозлар келтирилаётганидан ўқитувчи ва мураббийларнинг қувончи чексиз. Зеро, баркамол авлодга эътибор замирида миллатнинг ёрқин ва ойдин келажаги турибди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА
Хоразм вилояти

Yaxshidan bog' qoladi

ДАРАХТ— ИНСОННИНГ ИККИНЧИ ҲАЁТИ

Ховлимизда бир туп ўрик дарахти ўсар эди. Уни ёшлигида Тилла кампир (махаллада уни шундай аташарди) эккан эканлар. Йиллар ўтиб, ўрик бўй чўзиб, мева бера бошлабди. Тонг сахар уйғонган энамиз ер билан битта бўлиб тўкилган ўрикларни касаларга териб, қўни-қўшнларга, ҳатто нариги маҳалладаги оилаларга ҳам тарқатарди.

Бу саховат бир неча йиллар давом этган. Тилла кампир вафот этганига 40 йилдан ошди, лекин ханузгача катта ёшли маҳалла кишилари Тилла кампирнинг ўригидан борми, деб сўраб туришадди. Ўйлаб қоламан, бир инсон ўтиб кетганига салкам ярим аср бўлса ҳам, у ўша ўрик дарахти туйғайли эсланаётти.

Хар йили қишлоғимизда эрта баҳор ҳашар ўтказилади. Қабристон ва унинг атрофи тозаланади, тартибга келтирилади. Қишлоқ қабристониди даҳма бўлиб, унда икки-уч одамнинг қўлчи зўрга етадиган салобатли бақатерак бор. Унинг сояси кўнглига ҳузур бағишлайди. Ҳашар кунлари қўлчилик шу дарахт атрофида ўтириб тин олади. Ай-тишларича, бу теракни уста бува (қишлоғимизда уста дуррадор яшаб ўтган) эккан. Йиллар ўтса-да, у киши ўтказган дарахт қишлоқ аҳолисига фойда келтирмоқда.

Демак, инсон оламдан ўтиб кетган бўлса ҳам, эккан дарахти туйғайли элнинг юрагида яшاشи мумкин экан. Яхшидан бог қолади, дегани шу-да...

Абдуплато УМУРЗОҚОВ,
Бағдод туманидаги 3-ИДУМИ биология
фани ўқитувчиси

МЕҲРИБОНЛАРИМ

Мен Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйида тарбияланганман. Ота-онамиз тақдир тақозоси билан ажрашиб кетгач, турли Меҳрибонлик уйларида улғаяётган биз ака-сингиллар бир-биримизни кўрганамиз-да, гўё йўқотган нарсамизни топаддек қўнамиз. Укам Меҳроҳ ҳозир мен билан бирга. Вояга етиб, меҳнат қила бошлаган акам Бобомурод бизга ойлик маошидан наошадир харид қилишга уринади. Унинг биринчи маошидан бизга мактаб кийими олиб бергани ҳеч ёдимдан чикмайди.

Меҳрибонлик уйида рақс, расм тўғаракларига қатнаймам. Тўғарак раҳбарим, меҳрибон ва талабчан тарбиячилар ота-онамиздек бўлиб кетишган.

Улар ҳеч бир боланинг кўнгли ўқимаслиги учун, аввало, меҳр беришга интилишди. Отамизни анчадан бери кўрмаганимиз учун укамнинг тарбиячиси Озода Тўрабоева бизни унинг олдига олиб борди. У бизнинг соғ-саломат улғаяётганимизни кўрсатиб, отамни хотиржам қилмоқчи эди. Қўни-қўшнлар бизни кўриб қўвонишди, ўғай онам ҳам яхши кўтиб олди. Энг муҳими, Озода опанинг сазй-ҳаракати туйғайли отам билан муносабатимиз тикланди. Шундан бери у киши бизни кўргани келиб, сайрга олиб чиқади.

Менинг иситим — оила

қўрган ҳар бир инсон бу муқаддас кўргонни, фарзандларини асраб-авайласин, ўз меҳрларидан жудо

қилишмасин.

Ҳозир 9-синфни таомлаш

Dil izhori

арафасидан. Ниятим — коллежга кириб, бирор касб-хунар эгаси бўлиш.

Оила курсам, фарзандларимга бор меҳримни бериб ўстирмоқчиман. Меҳрибонлик уйида ота-она ўрнини босадиган инсонлар меҳрини кўрдик. Бу ерда бизни бир-биримизга ака-ука, опа-сингилдек муносабатда бўлишга ўргатишди. Оила ҳақидаги тасаввуримиз бир олам.

Биз болаларга меҳрини, қалб тафтини улашгани учун барча тарбиячи ва анағаларга ўз мингдорлигимни билдираман.

Навбахор МАННАБОВА

ЖАМИЯТ ҲУЖАЙРАСИ

Оила эркак ва аёл никоҳдан ўтган кундан бошлаб шаклланади. Унинг муҳим вазифаси наслни, шунингдек, ота-боболарининг яхши анъана ва удулларини давом эттириш, турмушни мустаҳкамлашдан иборат. Муҳими, оила жамият таянчи бўлиб, фарзандларимиз, ёшларимиз тарбияланадиган маскан ҳисобланади.

Оиланинг жамият олдиди-га асосий вазифаларидан бири — фарзанд тарбияладир. Статистик маълумотларга кўра, аҳоли сони муайян кўрсаткичда бўлиши учун ҳар 100 оилга 260 нафар бола тўғри келиши керак. Аниқроғи, 100та оиладан 60тасида болалар сони 3 нафардан, 40тасида 2 нафардан бўлиши лозим. Демографик ҳисоб-китобларга кўра, агар ҳар бир оила биттадан фарзанд кўрса, саккизинчи авлодга келиб, яъни 200 йилдан кейин бу халқ миллати сифатида йўқ бўлиб кетиши мумкин экан.

Давлат улкан бир оила бўлса, унинг ривожланиши-

да, обрў-этибор қозонишида ҳар бир оиланинг ўрни бор. Ана шу сабабдан ҳам оила давлат ҳимоясидадир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 16-моддаси 3-қисмида «Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайрасидир ва у жамият, давлат томонидан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир» деб белгиланган.

Оиланинг муҳим ижтимоий вазифалари қуйидагилардан иборат: у жамият ҳужайраси бўлиб, одамлар шу муқаддас қошада тугилиб-ўсиб, жамият таркибини ташкил этади; оила муҳим бўгин бўлиб, унда биз меҳнат жараёнида сарф қилган кучларимизни

Toshkent shahri
Matbuotchilar
ko'chasi 32-uy.
«Ma'rifat» gazetasi
tahririyatiga

«Ma'rifat» ga
maktublar

E-mail:
info@marifat.uz

ОИЛА УСТУНИ

Фарзанд тарбиясида ота-она бирдек масъул, аммо оила бошлиғи сифатида отанинг ўрни бўлакча. Болаларимиз ўқиб, тарбияланиб, тезроқ бирор касбини эгалласа-ю, комил инсон бўлса, деймиз. Ҳеч мулоҳаза қилиб кўрмаймиз, айб қилдимиз — енгил танбех берамиз, тоби қочдимиз — шифокор чакрамаемиз, ўқишда судраладимиз — репетитор топамиз, аммо унинг бўш пайтини қандай ўтказаятгани билан камроқ қизиқамиз.

Тўғри, мактабда ўқитувчилар болага таълим-тарбия беришди, лекин ота-она ҳам бу вазифадан четда қолмаслиги лозим, уларнинг бурчи фарзандларини фақат кийинтириш ва қорнини тўйғизиш бўлмаслиги керак. Ота-она боланинг тартибли, масъулиятли бўлиб вояга етишида намуна бўла олсин.

Таълим масканимизда жуда кўп иқтидорли, қобилиятли ва меҳнатсевар ўғил-қизлар ўқийди. Улар, авваламбор, ота-онасининг кўз қорачигидир. Ота-она билан бир

қаторда биз ҳам уларнинг ютуғидан қувонамиз, бошимиз кўкка етади. Аммо тарбияси оғир ўғил болаларимиз ҳам учраб туради. Айрим-айрим уларнинг пул ишлаб топишга қизиқиш, тарбия борадигани бурчларини унутиб қўйгани, ўғил болаларнинг тарбияси бўзилиб, оналарини менсимай қолишига сабаб бўлмоқда. Боланинг ҳўсти ким? Шу билан ҳам қизиқиш керак. Айрим оталар мактабга келса, ўғил ёки қизларининг қайси синфда ўқишини ҳам билмайди-

лар. Эътиборсизлик шунчаликми?

Отанинг қаттиққўллиги ўғилга ҳам, қизга ҳам керак. Оталар — уйнинг устунни, дейишади, шу устунлар мўрт бўлмаслигини истардик. Болаларнинг кийиниши, одоб-ахлоқини ота-она доимо кузатиб бориши мақсадга мувофиқ. Қўлларига ўзи хоҳлаганча пул ёки уяли телефонни бериб қўйиш уларнинг тарбиясини бузади, бунинг унутмайлик. Оила устунни — ота ўз фарзандига соғлом турмуш тарзини, доно

да тиббий кўрик натижалари чиқади. Мутасадди ташкилотлар томонидан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида никоҳи қайд этилмаган ёшларнинг шайри никоҳланишининг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимларида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича муайян ишлар амалга ошириляпти.

Хомилдор аёлларга

Fikr

маслаҳатларини бериб бормин. Фарзандларимиз билимли, доно, соғлом бўлиб вояга етса, бизга кимнинг ҳаваси келмайди?

Соғлом оилани шакллантиришда, аввало, оила қуриш арасида турган ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари муҳим. Бу кейинчалик намоён бўладиган ирсий ва наслий касалликларнинг олдини олишга замин яратди. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ФХДЭ органлари томонидан берилган йўлланмага асосан амалга оширилади. Унга кўра оила қурувчи ёшлар, психик, наркологик, тери-таносил ҳамда сил ва ОИВ/ОИТС каби ўқумли касалликлар юзасидан тиббий кўрикдан ўтадилар. Тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган кундан бошлаб икки ҳафта ичи-

тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда оналар ва болалар соғлиғига эътибор қаратиш жамиятимиз олдида турган жиддий масалалардан бири ҳисобланади. Жумладан, қишлоқ туманлари аҳолисининг тиббий маданиятини ошириш, репродуктив саломатлиқнинг мустаҳкамланиши соғлом фарзандларнинг дунёга келишини таъминляпти. Оилалар барқарорлигини таъминлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилётган экан, мамлакатимизнинг эртаси порлоқ бўлишига шубҳа йўқ.

Шахло РАҲМОНОВА,
Шаҳрисабз туманидаги
88-умий ўрта таълим
мактаби ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси,
Дилором ХУДОЁРОВА,
Чирокчи туманидаги
8-мактаб ўқитувчиси

КАМТАРЛИК — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Қон-қонимизга сингиб кетган бу хислат азал-азалдан қадрланган. Ҳар бир инсон тугилиб вояга етар экан, ундаги хислатлар ҳам худди ўзи каби муқаммаллашиб бораверади. Ўғил отадан, қиз онадан, қолаверса, яқинларидан инсоний фазилатларни ўзлаштиради. Тарбия ўчоғи дея таърифланган мактаб бундай фазилатларни камол топтиришда муҳим ўрин тутади. Бунда болага ўрнатилган зот, албатта, устоздир. Ўзаро самимий муносабат, ширинсузлик, босқилқ, одоб-ахлоқ меъёрларини барчаси болага устози ибрати орқали ўтади. Ўқитувчилар

ўқувчиларга камтарлик ҳақида кўпроқ ҳаётий мисоллар айтиб беришса, болада ана шу хислатни ўзида шакллантиришга қизиқиш кучаяди.

Маърифатпарвар шахс Абдулла

Xislat

Қодирийнинг ҳузурига кунларнинг бирида ўғли шошиб кирибди-ю, велосипед олиб беришини сўрабди. Ўша пайтлари қўшнларига нисбатан тўроқ яшаган Қодирий ўғлининг раъйини қайтариб, бу эркликни рад этади. «Ўғлим, сен

эга бўлган нарсаси қўшни болаларнинг ҳаваси келмайди деб ўйлайсанми? Уларнинг турмуши оғир, ота-онасининг велосипед харид қилишга қўрби етмайди. Шунинг учун, кел, бу истагингдан воз кеч, улар билан бир сафда юр». Доно ўғил барчасини тўғри тушуниб, отасидан узр сўрабди.

Меҳнаткаш, ҳар ишда зийрак, билимга чанқоқ, юксак мақсадларни кўзлаган ва, энг асосийси, камтарлик фазилати эга инсон доим эъзозда бўлишини яна бир бор таъкидламоқчимиз.

Бобур МҲМИНОВ,
ўқитувчи

ҲАВАС БИЛАН ҚАРАДИМ

Мактабга яқин жойда яшаймиз. Кунларнинг бирида мактаб худудини кесиб ўтаётиб, йўлакча ўртасида бир тўп йигит-қизларга дуч келдим. Жўр бўлишга, «Ассалому алайкум» деганларида, сапчиб тушибман.

Ҳушимни йиғиб **Tarbiya — saodat** қарасам, улар менга йўл бериб, қўллари кўксига таъзим айлаб туришибди. Саломларига алик олдим-у, ёшларнинг катталарга муносабатидан руҳланиб кетдим, ташвишларимни ҳам унутдим, дуога қўл очдим:

— Қани, омин! Сизларга тарбия берган ота-оналарингизга, таълим берган устозларингизга раҳмат. Барака топинлар! Илоҳим, бир умр бахтли бўлинг-

лар. Оллоху ақбар!

Улар орасида ийманибгина турган популдек қизалоқ диққатимни тортди. Имо қилиб, ёнимга чорладим, насл-насабини суриштириб, уни саволга тутдим:

— Опоқ қизим, сен кимнинг қизисан?

— Янгийўл маҳалласиди-ги Мирзатилга ло аканинг қизиман. Тоштемур бобонинг неварасиман, — деди у дон-дона қилиб.

— Барака топ, қизим! Яхши инсонларнинг боласи экансан. Сухбатини тугади, ёшлар мендан узоклашди. Уларнинг ортидан ҳавас билан термулиб қолдим! Тарбия деганларни, қанийди, доимо шундай бўлса!

Аҳмаджон АМИНЖОНОВ
Олтиариқ тумани

Саҳифани Феруза ХОЛМУРОВА тайёрлади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ректорати 2011-2012 ўқув йилида бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари асосида иш жойларига тақсимлашга киришганини маълум қилади. Университетнинг бугунги кун талабларига мос келадиган битирувчи бакалавр ва магистрларига эҳтиёжи бўлган корхона раҳбарлари уларга келгусидаги иш жойини танлаш имкониятини яратиш мақсадида ташкилотимизда ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятлари (маош, турар жой билан таъминлаш ва бошқа имтиёзлар) ҳақида университет раҳбариятига шу йилнинг 15 апрелига қадар талабнома ва сўров хати билан муурожаат қилишини сўраймиз.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини 2011-2012 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақида маълумотни илова қиламиз (г—давлат гранти асосида, ш—шартнома асосида).

Маълумот учун телефон: 275-89-55, ЎзДЖТУ Маркетинг хизмати бўлими факси: 275-09-91

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 100138, Кичик ҳалқа йўли, Г-9 А мавзеси, 21-«А» уй

БАКАЛАВРИАТ

	Таълим йўналишлари, мутахассисликлар	Шаҳар (туман) ва вилоятлар	1-инглиз филологияси		2-инглиз филологияси		Таржимонлик факультети		Немис филологияси		Француз филологияси		Испан филологияси		Рус филологияси		Халқаро журналистика		Хитой филологияси		Жами	
			г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш
Тошкент шаҳри	Яккасарой тумани		3	4	3	10	2	3		2			1		1	2		1	1		11	22
	Шайхонтоҳур тумани		7	5	9	14	3	5		1		1	2	3	2	2		4	1		24	35
	Учтепа тумани		5	7	6	10		4			1	1	1	2	1	2	1		1	1	16	27
	Юнусобод тумани		9	17	8	13	1	4	2	2	3	1	2	3		2	1	1			26	43
	Сирғали тумани		10	7	3			1				1			1	2	1	1			15	12
	Чилонзор тумани		16	13	11	30	3	1			2	2	1	2	1	3	1	2	1	1	36	54
	Ҳамза тумани		4	9	6	10		3		1			2	1	2		2				11	29
	Миробод тумани		5	1	4	4			4	1			1	1	1		1		1		11	14
	Мирзо Улуғбек тумани		3	10	8	8		1		2			1		1				1		12	24
	Олмазор тумани		4	10	4	12		2				1			1	2	2	1	1	1	12	29
Вилоятлар	Бектемир тумани			1	3	2									2						3	5
	Жами:		66	84	65	113	9	25	2	12	7	7	8	14	9	21	6	13	5	5	177	294
	Андижон вилояти		3	5	3	2		2		1						1	1				7	11
	Бухоро вилояти		14	19	10	8		1		6	9	9		1			1				35	43
	Жиззах вилояти		4	8	1	1	2	1	9	2			1			1		2			17	15
	Наманган вилояти		5	14	8	14	2			4	1	2			1			1		1	17	36
	Навоий вилояти		2	2	3	6	1		5	3	5	3	1								17	14
	Самарқанд вилояти		8	8	6	9		5	10	14	2	11	1	2	1	1		1			28	51
	Сурхондарё вилояти		7	5	6	12	1	2	2	2	1		1	2	3	2	5	6		1	26	32
	Сирдарё вилояти		6	7	3	1		2		3	1				1	2					11	15
Вилоятлар	Фарғона вилояти		10	11	8	8		3	2	6		4		1	5						25	33
	Хоразм вилояти		8	14	11	15	4	5	2	1	4	13		1	1		1	1			31	50
	Қашқадарё вилояти		23	34	18	27	8	6	13	20	4	1	1		2	4	1	2		1	70	95
	Тошкент вилояти		19	33	13	33	2	4	9	3	2	4		3	3	6	1	5	1	1	50	92
	Қорақалпоғистон Республикаси		7	9	4	12	2	2	1	1		1			1	1			1		15	27
	Умумий жами:		182	253	159	261	32	57	55	78	36	55	13	24	26	38	17	32	6	10	526	808

МАГИСТРАТУРА

	Таълим йўналишлари, мутахассисликлар	Шаҳар (туман) ва вилоятлар	Инглиз лингвистикаси		Немис лингвистикаси		Француз лингвистикаси		Славян лингвистикаси		Испан лингвистикаси		Таржима назарияси ва амалиёти		Халқаро журналистика		Адабиёт- шунослик (инглиз адабиёти)		Жами	
			г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш
Тошкент шаҳри	Яккасарой тумани		2												1				2	1
	Шайхонтоҳур тумани			1					1				3		1		1			7
	Учтепа тумани		1	10		1					1								1	12
	Юнусобод тумани		1	8		3		1	1		1				2	1	2		3	17
	Сирғали тумани			1											3					4
	Чилонзор тумани		1	4			1	1	3		1	1	1		1				3	11
	Ҳамза тумани			3																3
	Миробод тумани			2									1	1					1	3
	Мирзо Улуғбек тумани			5							1		3							9
	Олмазор тумани			2				1							1	1	1		2	4
Вилоятлар	Бектемир тумани										1									1
	Жами:		5	36		4		2	3	4	5	1	8	1	9	2	4		12	72
	Андижон вилояти			1		1											1			3
	Бухоро вилояти			2			1		1										1	3
	Жиззах вилояти		1	3															1	3
	Наманган вилояти		1	2	1								1						2	2
	Навоий вилояти						1											1	1	
	Самарқанд вилояти					2		2												4
	Сурхондарё вилояти		1	1						1	1				1				2	3
	Сирдарё вилояти														1				1	
Вилоятлар	Фарғона вилояти			3							2		1				2			8
	Хоразм вилояти						4						1	1					1	5
	Қашқадарё вилояти			5	1		1								1				2	6
	Тошкент вилояти		2	1			1		1		1	1	2				1		3	7
	Қорақалпоғистон Республикаси																			
	Умумий жами:		10	54	2	7	3	9	3	6	1	9	2	13	3	11	2	8	26	117

МЕТАН ЗАРАРЛИ ГАЗЛАРГА «МАСЪУЛ»

Британиялик олим, Эксетер университети профессори Питер Коксинг фикрича, глобал исишнинг олдини олишда карбонат ангидриддан аввал метан газининг атмосферага таъсирга эътибор қаратиш лозим. Бойси, метан ҳавога чиқариладиган зарарли газлар орасида иккинчи ўринда туради. Қолаверса, бу газ атмосферага қанча миқдорда карбонат ангидрид чиқарилишига ҳам «масъул», дейилади «Компьюлента» манбасида.



Лондонда ўтган «Сайёраимиз босим остида» мавзuidaги халқаро конференцияда профессор П.Кокс метанининг глобал ҳароратга таъсири кутилганидан ҳам юқори эканини таъкидлади. Чунки кузатувлар атмосфера таркибида карбонат ангидрид кўп бўлса-да, метанга нисбатан ўрмон дарахтлари ва бошқа ўсимликларни кўпроқ ютишини кўрсатади. Бунга икки омил сабаб. Биринчидан, ортқича миқдордаги карбонат ангидрид ўзига хос ўғит вазифасини ўташи натижасида флора тез ўсиб, ушбу газни ҳам жадвал ютиши мумкин. Иккинчидан, метан концентратиясини камайтириш ўсимликларга зарар келтирадиган тропосфера озони ҳосил бўлишининг олдини олади. Мутахассисларга бу жараёнлар аввал ҳам маълум эди, лекин профессор П.Кокс метан чиқиндиларини камайтириш углеводга қарши курашишга нисбатан арзон ва фойдали эканини ҳам ҳисоб-китоб қилиб берди.

ОВҚАТЛАНИШ МИЯГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ

Парҳез пайтида ҳомилдор бўлган аёллар кейинчалик семизлик ёки қанд касаллиги билан оғрийдиган фарзандларни дунёга келтирар экан. Бу Буюк Британиядаги Манчестер университети олимлари Янги Зеландия ва Канада тадқиқотчилари билан ўтказган изланишда аниқланди. «Экспериментал биология наشري» («Journal of Experimental Biology»)да мавзуга оид мақола чоп этилди.

Шунингдек, олинган натижалар нима сабабдан эгизакларда кўп ҳолларда иккинчи турдаги қанд касаллиги ривожланишини ҳам изоҳлайди. Тадқиқотда парҳез даврида ҳомилдор бўлганларнинг



туғилажак фарзандлари ДНК тuzилишида ўзгаришлар бўлиши мумкинлиги аниқланди. Натижада овқатланиш ва қондаги глюкоза миқдорини таъминловчи генлар фаолияти меъёрида кечмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда мутахассислар кейинчалик бу болаларда қанд касаллиги ривожланиши мумкин, деган хулосага келишган.

ЭГИЛУВЧАН ВА ШАФФОФ «ХОТИРА»

АҚШдаги Райс университети тадқиқотчилари янги турдаги «хотирани ишлаб чиқишди. У келгусида портатив (ихчам) ускуналардаги флеш-хотира қурилмаларга муқобил бўлиши кутилмоқда, деб ёзади «ФизОрг» манбаси.

Эътиборлиси, университет илмий ходими Жеймс Тур раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган мазкур ускуна шаффофлиги ва эгилувчанлиги билан ажралиб туради. У 500 даражадан ортқ ҳароратта чидамлилиги учун фавқуллоҳда ҳолатларда ҳам ишлаш имконига эга.

Мазкур ускуна яратилган 2010 йили амалга оширилган ихтиро асос бўлди. Унда Ж.Тур раҳбарлигидаги тадқиқотчилар SiOx кремний оксиди асосида «хотира» элементини ишлаб чиқилган эди. Бундай элемент уч қаватли тузилишга эга бўлиб, марказида диэлектрик (кремний оксиди), четларида эса электрод вазифасини ўтовчи поликристалл кремнийдан ясалган яримўтказгич пластинкалар жойлашган. Улардан электр токи ўтказилаётганда ток йўналишини ўзгариштиручи нанокристаллар занжири ҳосил бўлади.

Олимларнинг таъкидлашича, намоийш этилган намуна эгилувчан электроника ускуналари, хусусан, ўзгарувчанлик хусусиятига эга мобил телефон ёки компьютерларни яратиш сари яна бир қадам бўлди. Қолаверса, эгилувчанлик ва шаффофликдан ташқари янги «хотира» ускунаси яна бир устунлик — уч ҳажмли симиға эга экан. Тадқиқотчилар янги авлод чипини кенг ишлаб чиқариш мақсадида компаниялар билан музокара олиб боришмоқда.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Италия ҳукумати ЮНЕСКО маданий мероси рўйхатидаги дунёнинг энг йирик археологик мажмуаларидан бири — қадимий Помпей шаҳрининг ҳозирги ҳолатини сақлаб қолиш ва тиклаш ишлари лойиҳасини ишлаб чиққач, мазкур тадбирларга Европа ҳудудий ривожланиш жамғармаси томонидан 105 миллион евро ажратилишини маълум қилди.

Жанубий Корея суди табиий муҳитдан ноқонуний равишда овлаб олинган ва сувдаги кўнгилочар намоийшлар учун тутқунликда сақланаётган бешта дельфинини уларга эгалик қилаётган компания иштиёрига бериш учун озод этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Халқаро палеонтологлар гуруҳи Хитойнинг Ляонин провинциясида 125 миллион йил илгари яшаган, тана узунлиги 9 метр ва оғирлиги 1,4 тонна бўлган, ҳозирга қадар маълум бўлган қанотли динозаврлар ичида энг каттаси — Yutyrannus huali турининг сақланиб қолган қолдиқларини аниқлади.

Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар

ИЛМГА ЧАНҚОҚ ЁШЛАР ДИҚҚАТИГА!!

Замон билан ҳамнафас, давримизнинг ўз соҳаси бўйича кучли мутахассиси бўлишни истаган азиз ёшлар! Сиз учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети ўз эшиklarини очади!

Келажак кучли, билимли ва, албатта, бахтли ёшлар қўлида! Билим ўранишга шошилинг! Тошкент ислом университетининг ўқув марказида 2012 йил 1 апрелдан эътиборан қуйидаги янги ўқув курсларида машғулотлар бошланади:

1. Инглиз тили курслари (3 ойлик, ҳафтада 2 марта, мини-гуруҳлар):

- Beginner, Elementary, Pre-Intermediate, Intermediate, Upper-Intermediate — 60 000 сўм.
- English for Kids (болалар учун) — 50 000 сўм.
- IELTS — 150 000 сўм.

2. Компьютер саводхонлиги курслари (2 ойлик, ҳафтада 2 марта):

- Дастурлаш асослари (Pascal, C++, Delphi) — 50 000 сўм.
- HTML + CSS — 70 000 сўм.
- JavaScript — 70 000 сўм.
- PHP + MySQL — 80 000 сўм.
- Компьютер жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш — 60 000 сўм.
- Компьютер тармоқларини созлаш (интернет, Wi-Fi) — 50 000 сўм.

- Компьютер графикаси ва дизайн — 50 000 сўм.
- Веб-саҳифа яратиш (Joomla) — 50 000 сўм.

3. Бизнес курслари (ҳафтада 2 марта):

- Бухгалтерия ҳисоби (нолдан балансгача) — 2 ой, 70 000 сўм.
- Бухгалтерия ҳисоби (CAРга тайёрлаш) — 3 ой, 100 000 сўм.
- Бошқарув ҳисоби (CAРга тайёрлаш) — 2 ой, 100 000 сўм.

4. Тайёрлов курслари (маҳсус жадаллаштирилган, 3 ойлик, ҳафтада 2 марта):

- ижтимоий-гуманитар (тарих, маънавият, она тили, чет тили) — 450 000 сўм.
- аниқ фанлар (математика, физика, она тили, чет тили) — 450 000 сўм.
- ўрта маҳсус ислом билим юртлари учун (она тили, маънавият, тарих, чет тили) — 450 000 сўм.

БИЗНИНГ ҚУЛАЙЛИК ВА УСТУНЛИКЛАРИМИЗ:

- ✓ Ўқув курслари бўйича бепул электрон ва босма ўқув қўлланмалар тақдим этилади;
- ✓ Машғулотлар илғор педагогик ва инфорацион технологиялар асосида, замонавий техник воситалар билан жиҳозланган лингафон ва компьютер хоналарида ташкил этилади;
- ✓ Юқори малакали, хорижда тажриба орттирган профессор-ўқитувчилар дарс беради;

- ✓ Шаҳарнинг марказида, барча учун қулай жойлашганмиз;
- ✓ Тўловнинг барча турлари (нақд, терминал, пул ўтказиш);
- ✓ Кириш ва якуний тестлар ёрдамида ўқиш самарадорлиги аниқланади;
- ✓ Ўқув юртларига кириш бўйича бепул маслаҳатлар берилади;
- ✓ Тингловчилар ТИУнинг ахборот-ресурс марказидан бепул фойдаланадилар.

Манзилимиз: **Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.**
Мурожаат учун телефонлар: 244-95-99, 244-00-56, 244-96-53. www.TIU.uz

УМР МАЗМУНИ

Жаҳонгир Исмоилов ўз устида тинимсиз ишлаб, ўнлаб иқтидорларни атрофида бирлаштираётган тоза ва уйқоқ қалб эгасидир.

— Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультети талабасига айланганимда муаллим отам жуда қувонган. «Ўғлим журналист бўлади», деган ўй унинг қаддини мағрур ростлаганди ўшанда. Улкан мақсадлар сари қўйилган шахдам қадамни аста-секин ҳаёт ўз ташвишлари ва чигалликлари домига торта бошлади. Оддий қишлоқ фарзандига катта шахар муаммолар келтиришини, улкан сабр-тоқат талаб қилишини ўшанда билмаган эканман, — деганди суҳбатларимизнинг бирида устоз. — Барча курсдошлар сафидан ортада қолмай ўқидим, изландим. Бирор марта ҳаёт қийинчиликлари, турмуш ташвишлари олдида бўйин эгмадим. Қийналиб тақсил олаётганимни бирор киши сезиб қўлишдан қўрқардим. Дарсдан сўнг ишлаш одатий ҳол эди. Тунларни тонглаб улаб китоб ўқиганман. Инсон синовларда синалади, деганларидек, гоҳида ўқийши ташлаб кетсаммикан, деган ўй ҳаёлимга келганида ўзимдан безардим. Бирок ўша кунлар ҳам иродимни бука олмади. Мақсадим янада қатъият билан ишлашга, изланишга, ўқишга, иштилоққа ундаган. Олий даргоҳни имтиёзли диплом билан тугатганимда барчаси ортада қолгандек туюлган...

Қизилтепа туманининг қўҳна Тошрабат қишлоғи қаҳрамонимиз учун энг азиз гўша саналади. Қишлоқ қўҳналаридек кечган болалиги бир умрлик хотирасининг энг мафтуноқ жойларидир.

Наср ва назмда бирдек қалам тебратётган адиб адабиётни ҳаётининг бир бўлагига айлантира олди.

— Жаҳонгир ака менга ilk мартаба журналистиканинг қанчалик машаққат ва сабр-бардош талаб этишини айтиб, бир дақиқа бўлса-да, ўрганишдан ва таҳлил қилишдан тўхташ мумкин эмаслигини бот-бот такрорларди, — дейди Бухоро вилоят ҳокимлиги матбуот котиби, ёш журналист Акбар Рустамов: — Бир мақолани ўн-ўн беш мартагача ишлаган пайтларим

бўлган. Устознинг таҳрир қилишдан оғринганини эс-лолмайман.

Турли йилларда ижодкорнинг «Орт меҳри», «Соғина» номли шеърий ва «Туташ тақдирлар», «Машинасини ўйратган домла», «Бу ёғи қандоқ бўларкин?», «Сунгити манзил» сингари насрий китоблари чоп этилди. Яқинда адиб эълон қилган «Таназул» роман дилогияси эса шўро тўзуми даврининг энг чиркин ва қабих иллатларини акс эттиргани билан аҳамиятли. Яқинда «Муҳаррир» наشريётида чоп этилган «Баҳордан қузғач» сайланмасида эса инсон умри, ҳаёт фалсафаси, муҳаббат жилвалари акс эттирилган.

«Баъзан оиладаги ташвишлар, ишдаги устига-устак иккундлик жараёнлар сизни толиқтирмайдими?», деган саволимизга устоз: «Мен ишхонамни иккинчи уйим, шогирдларимни фарзандларим, газета-чилик ва адабиётни эса ҳаётимнинг том маънодаги мазмуни деб биламан. Шуларнинг борлиги менга куч бағишлайди», дея жавоб беради.

Адибларимиздан бири вақтни намланиган совуғга ўхшатади. Уни қўлда ушлаб туришининг илоҳи йўқ. Хар бир кун ўз яқинини, хар бир соат ўз ниҳоясини кутади. Ниҳоялганда кунда, умрда эса нимагадир эришиш шарт. Устоз бир шеърида ёзади:

**Гарчи берди қанча изтироб, дард, гам,
Ўзи сабр берди, бахт берди қайтиб.
Минг бора розиман насиб тақдирдан,
Яшайман Аллоҳга шукрона айтиб.**

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлари ижодий уюшмалари аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, «Олтин қалам» миллий мукофоти соҳиббери, «Бухоронома» ва «Бухарский вестник» газеталари бош муҳаррири Жаҳонгир Исмоиловнинг қалби ва қалами ёш авлоднинг кўнглини шўвлантиришидан асло толмасин, дея тилак билдирамиз.

**Гульчака АШУРОВА,
Ўзбекистон Миллий университети
Ўзбек филологияси факультети
2-босқич талабаси**

Гульбаҳор Қўлдошева Самарқанд тиббиёт институтида талабаларга сабоқ беради. Тиббиётшунос профессор хонадонидида ўсиб-ўлғайган эмасми, илмга чанқоқлик, ўз касбини чуқур эгаллашга иштиёқ унинг юрагига оила муҳитидаёқ сингиб кетган. Шу боис талабаларнинг са-



сиси бўлиб етишмоқ учун ҳам туғма қобилият мўҳим. Бу мақсад сари қўйилган қадамларнинг самарали бўлиши, оралиқ масофаларни тез хатлаб ўтишга имкон яратди.

Гульбаҳор илмий ишининг руҳий-психологик омиллар билан боғлиқ жиҳатларини далиллашда ана шу хусусиятларни ҳам

ПАРВОЗИ БАЛАНД ГУЛЬБАҲОР

боқларни тез ўзлаштириши учун турли услубий қўлланмалар тайёрлаб, амалда синовдан ўтказиб беришга ҳаракат қилди. Астойдил иштилоқлари самара бера бошлади. Профессор Нуриддин Сафоев илмий раҳбарлигида «Талабалар ўқув мотивациясини белгилловчи ижтимоий-психологик омиллар» мавзусидаги номзодлик ишини бошлади.

Гульбаҳор шу мавзуда тадқиқот олиб бораркан, ижтимоий руҳшунослик асосларини эгаллаш зарурлигини ҳис этди. Кўп йиллардан бери талабаларга латин тилини ўргатиб келатгани ҳам бу борада қўл келди. Талабалар билан ма-шгулот олиб бориш

Изланиш ва имконият

асносида турли сўровномалар тарқатиб, олинган жавобларни умумлаштириш ва уларнинг фанларни ўзлаштиришига қийёслаб кўриш асосида шунга амин бўлдики, танланган мутахассислик ягона бўлишига қарамай, ҳар бир талаба касбига ҳар хил мақсаддан келиб чиқиб ёндашар экан. Кимдир отаси ё онаси шу соҳа мутахассиси бўлгани учун, бошқа бирор эса жамиятда шифокорнинг обрў-эътибори юксаклиги, яна кимдир яқин кишиларидан бирор-таси шифокор хатоси боис ҳаётдан қўз юмган пайтда юрагидида туғилган дард-алам сабабли шу касбга қизиққан бўлиб чиқарди.

Тўғри, касб танлаш жараёнидаги бу омиллар таъсири кейинчалик ўқиб жараёнида нисбатан сезилмаслиги мумкин. Бу эса сабоқ берувчи мутахассисларнинг талабалар қўнғилида чиқроқ ёқа олиши, муҳир шифокор бўлиб етишиш йўлларини кўрсатиши, ёшлардаги иқтидор ва қобилиятини уйғотга олишга ҳам боғлиқ экан. Бирок расом ёки композитор бўлиб етишишда, бошқа ижодий соҳаларда ҳам туғма иқтидор талаб этилгани каби тиббиётнинг асл мутахас-

эйтибдорда тутишга ҳаракат қилди.

Айни чоғда тадқиқот натижалари тиббиёт институти талабалари учун муайян истисноликлар бўйича ўқитиладиган талловларда, ижтимоий-психологик тренинг дастурлари ҳамда педагогик психология ва касб танлаш психологияси соҳалари бўйича маъруза матлабларини тузишда фойдаланилмоқда. Ниҳоят, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги бирлашган изтиснослашган кенгаш Гульбаҳор Қўлдошеванинг «Талабалар ўқув мотивациясини белгилловчи ижтимоий-психологик омиллар» мавзусидаги номзодлик диссертациясини юқори баҳолаб, унга психология фанлари номзоди ил-

мий даражасини берди.

Номзодлик дипломига сазовор бўлган ёш олимани самарқандлик касбдошлари катта қувонч билан қутиб олишди. Институт раҳбарияти ёш мутахассиснинг сайёҳаракатлари, илмда ўз йўлини топиш учун астойдил изланаётгани ва бу борада эришаётган ютуқларини муносиб баҳолаб, унга яна катта ишонч билдиришди: руҳшунослик кафедрасини бошқариш ишончи топирилди. Бундан унга сабоқ берган ва бирга ишлаётган устозлари ҳам мамнун бўлишди. Негаким, бугунги ёшларнинг парвози баланд. Улар истиқлол даври яратган имкониятлардан унумли фойдаланиб, илмда ўз йўлини очётган экан, бундан қувонмай, уларнинг чинакам парвозига оқ йўл тиламай бўладими!

Авалло, оиласида шахсий бахтини тоғиб, ширин-шакар фарзандлар тарбиялаб, айни чоғда, илм йўлида изланаётган ёшларга бўлган бундай ишонч бугунги кунимизнинг, истиқлол даврининг айни ҳақиқатидир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Hayot — saboq

.....

ди. Уни қўлда ушлаб туришининг илоҳи йўқ. Хар бир кун ўз яқинини, хар бир соат ўз ниҳоясини кутади. Ниҳоялганда кунда, умрда эса нимагадир эришиш шарт. Устоз бир шеърида ёзади:

**Гарчи берди қанча изтироб, дард, гам,
Ўзи сабр берди, бахт берди қайтиб.
Минг бора розиман насиб тақдирдан,
Яшайман Аллоҳга шукрона айтиб.**

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлари ижодий уюшмалари аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, «Олтин қалам» миллий мукофоти соҳиббери, «Бухоронома» ва «Бухарский вестник» газеталари бош муҳаррири Жаҳонгир Исмоиловнинг қалби ва қалами ёш авлоднинг кўнглини шўвлантиришидан асло толмасин, дея тилак билдирамиз.

**Гульчака АШУРОВА,
Ўзбекистон Миллий университети
Ўзбек филологияси факультети
2-босқич талабаси**

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИ

лик борасидаги ilk қадамни вилоят газетасида «Илк қадам» мақоласи билан бошлаган эди. Шундан кейин республика, вилоят матбуотида 150дан ортиқ мақола, тақриз, суҳбатлари эълон қилинди. «Иккинчи жаҳон уруши даври ўзбек романчилиги» мавзусида номзодлик диссертациясини ёзганда (1970), бирин-кетин «Мадридлик ва матонат тасвири», «Ўзбек ҳарбий прозасида характер яратилиши баъзи масалалари», «Хотирада қизилган излар», «Уруш даври ўзбек ҳикоячилиги», «Бадий тасвирнинг ҳаққонийлиги», «Замон талаби ва ижодкор масъулиги» ва бошқа китоблари бирин-кетин нашр этилди.

Умрзоқ Ўлжабоев синчков, нуктадон мунаққид, ўзига хос, вақимин, теран, табиий ва мантқий иншоига эга. Илмий тадқиқотларида устозлари Матёкуб Қўшжоновдан, публицистикада Озод Шарафидиновдан қўл нараса ўргангани сезилиб туради. Бу фазилат Саид Аҳмад, Ўткир Хошимов насрий асарлари таҳлилда, айниқса, яққол кўзга ташланади.

Сирдарё вилояти илмий-адабий, таълимий муҳитида Умрзоқ Ўлжабоевнинг салмоқли ўрни, эътибори бор. У кафедра мудири лавозимида ишлаган йиллари қўллаб-йўллай-адабий анкуманлар уюштиришда, пойтахтдан таниқли олим, адиблар тақлиф қилиб, мароқли ижодий учрашувлар ўтказишда, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафидинов, Халқ шоири Тўра Сулаймон номидида ўқув хоналарини, профессор Акрам Каттабеков кабинет-музейини ташкил этишда ташаббускорлардан бўлди. Пойтахтда ўтадиган илмий-адабий йиғинларда, турфа тадбирларда мунтазам қатнашиши олим, ёзувчи Умрзоқ Ўлжабоевнинг фаоллиги, маънавият-маърифатга ташналигидан далолатдир.

Умрзоқ Ўлжабоев яқинда нашрдан чиққан китобини «Дўст билан обод уйин» деб номлабди. У бунга тўла ҳақли. Негаким, у устозлари, дўстлари ҳурмати жойига қўядиган, ҳамкасблари, ёр-биродарларига га-мўҳур, меҳрибон инсондир.

Сайди УМИРОВ

Fanimiz fidoyilari

.....

филрлаш қобилияти туфайли машхур шевашунос олим Худойберди Дониёровнинг назарига тушди.

Отаси Ражаб Одил ўғли саводхон киши эди, уйда қўллаб-халқ китоблари бўлиб, бўлажақ олим уларни ўқиб, халқ озаки ижодини битмас-туганмас манбалари ҳақида фикр юртларди. Университетда олган билимлари ҳамда устозлар даврасидаги баҳс-мунозаралар унинг тилшуносликка иштиёқини кучайтирди.

Айни шу палла Абдумажид ака ўз ҳаёт йўлини узил-кесил белгилаб олди: у бутун умрини ўзбек тилшунослиги фанига бағишлади. Мана, домланинг Гулистон давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида узлуқсиз 44 йил меҳнат қилганининг боиси!

Домланинг олий таълим муассасасидаги педагогик фаолияти илмий изланиш билан чамбарчас



боғлиқ ҳолда кечди. Ўтган даврда ёзган, вақтли матбуотда эълон қилинган катта-кичик юздан ортиқ илмий, илмий-методик мақола ва маърузаларини кузатсангиз, ҳар бирида тилшуносликнинг бугунги

долзарб масалалари тилга олинган ва ишончли манбалар асосида дадил илмий ҳулосалар билдирилганлига ғувоҳ бўласиз. Эътиборга молик томони шундаки, домла тилшунослик, тил ўқитишнинг бирор масаласи ҳақида фикр юртлар экан, фақат тилшунослик фани нуктаи назаридан тадқиқ қилиш билан қифояланмайди, масаланинг фалсафий-тарихий аспектларига ҳам атрофлича муносабат билдиради.


— Сўз бу дунёни билиш ва кишилик муносабатларини тўғри ўрнатиш учун инсонгагина берилган бебаҳо неъматдир, — дейди домла. — У яратилиш, истиқболни белгилаш ёки барбод қилиш хусусиятига эга қудратли восита ҳисобланади.

Олим кишининг умр сарҳисобини унинг илмий мероси белгиллайди. Шу жиҳатдан Абдумажид ака ўз соҳасига етук бир олим даражасида хизмат қилгани ва марҳум ус-

този Худойберди Дониёровнинг ишончини оқлаганига имомимиз қомил. Бирок унинг инсоний фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирилса, озлик қиладиғандек. Камтар, камсўқум, камгап бу инсоннинг юзлаб шогирдлари илмий даргоҳларда ёшларга таълим бермоқда.

Бу йил Абдумажид домла ҳам «ҳақиқий нафақахўр»га айланди. Лекин бекорчи бўлиб қолгани йўқ. Домла бир кун китоб варақлама-си ёки бирор нарсга қоралаб қўймаса, бесамар ўтган ўша кун учун ўзини кеңирмайди. Сал қўл бўшадиган дегандан Санобар опани машинасига миндириб, йўлга тушади. — Жомбой, Фаргона, Жиззах, Олмалик, Тошкент. Бу хали ўз суполаси яшаётган манзиллар. Ҳа дегандан қавм-қариндош, шогирд ва ёру дўстлар тўй-томошаларга тақлиф этилади. Мактаб ишларига, маҳалла-қўйга ҳам аралашиб туради. Умрининг ойдин йўли шу бўлса керак-да...

**Мунаввар ПАРДАЕВ,
Бойжигит АБДУЛЛАЕВ
Гулистон шаҳри**



Вилоятларимизда илм, ижод, таълимга салмоқли хисоса қилиб келадиган фидоийи инсонлар анчагина. Шулардан бири сирдарёлик олим, мураббий, публицист Умрзоқ Ўлжабоевдир.

Умрзоқ Ўлжабоев 1960—1968 йиллари ТошД (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини тугатибқ янги ташкил этилган Сирдарё давлат педагогика институтини (ҳозирги университет)га ишга келди ва ҳозирга қадар ушбу қадрдон даргоҳда хизмат қилмоқда.

Умрзоқ Ўлжабоев мунаққид-

Фараз қилинг: бир инсон бир жойда узлуқсиз 44 йил меҳнат қилди. Кўпчилик вазифа пиллапо-ясига тирмашиб ёки моддий им-коният излаб, ўнлаб жойларда иш-лаши, ҳар 2-3 йилда ишини ўзгартириши ҳам сир эмас. Абду-мажид ака бундай қилмади.

Ҳаёт, тирикчилик тақозосига қўра у ота макони — Жомбой ту-манининг Қангли қишлоғида ўрта мактабни аъло баҳога тугатгани-га қарамай, далада, кейин Жом-бой пахта тозалаш корхонасида, сўнг йўлланма билан Мирзачўлга келиб, янги очилган ҳўжаликлар-дан бирида ишлади.

Абдумажиднинг тирикчилик таш-вишида ўзини ўтга-чўкка уриб юр-гани акаларига ёқмади.

— Ука, сен ўқишинг керак! — деб масалани қатъий қўйишди улар.


Абдумажид Самарқанд давлат университетининг тил ва адабиёт факультетини илгор талабалар қаторида битирди. Университетда илмга чанқоқлиги ва мантқий

БЕШИНЧИ САРАЛАШ БОСҚИЧИ

беш ҳудуддан Ғолибларни аниқлаб беради

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

Эслатиб ўтамиз, ҳар бир ҳудуддан биттадан ғолиб жамоа ҳамда қолган 8та спорт тури (бadiiy гимнастика, спорт гимнастики, сузish, енгил атлетика, шахмат, кураш, белбоғли кураш, стол тенниси) бўйича ҳудудий терма жамоалар тўғридан-тўғри Навоий вилоятида кечадиган якуний босқичда қатнашади. Вилот босқичида қатнашган 14та ҳудуд қуйидаги тартибда 5та ҳудудга ажратилган: 1) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоти, 2) Андижон, Наманган ва Фарғона, 3)



си Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Миллий университети ва "Ёшлик" спорт мажмуаларида бўлиб ўтди. Унда пойтахтлик волейболчи кизлар рақибларини 3:0 ҳисобида енгган бўлса, ўғил болалар ўртасидаги бахсларда ҳам Тошкент вилоти жамоасидан омад юз ўтирди, якуний ҳисоб 3:1.

Баскетбол бўйича ўсмирлар ўртасида кечган учрашувларда йирик ҳисоб қузатилди — 108:39, Тошкент шаҳри баскетболчилари зафар кучишди. Шунингдек, баскетболчи кизлар қарама-қаршиликда ҳам 101:28 ҳисобида пойтахтликларнинг қўли баланд келди.

Қўл тўпи бўйича ўғил ва киз болалар жамоалари ўртасидаги матчларнинг ҳам ҳар иккисидида вилот вакиллари мағлубият аламини тотиб қўришди. Энг ҳаяжонли дамларни тақдим этган футбол учрашувида эса ҳакамнинг қайд дафтарига 4:2 ҳисоби якуний натижа сифатида битилди.

Айтиш мумкинки, Тошкент шаҳри шарофини ҳимоя қилаётган жамоалар ҳудудий саралаш мусобақаларининг дастлабки учрашувларидаёқ ўз маҳорати ва иқтидорини тўла намоён этиб, якуний босқич йўлланмаларини ҳал қилиб бўлди.

Эртаси куни ушбу жамоалар Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи ҳамда "Кимёгар" ўйингоҳи ва спорт залида уюштирилган жавоб ўйинларида иштирок этишди. Ўз майдонида реванш олишга ҳаракат қилган Тошкент вилоти жамоаларига бу сафар ҳам кучли рақибни енгиласан деб эътибори бўлди.

Шундай қилиб, баскетбол, волейбол, қўл тўпи ва футбол бўйича ҳудудий саралаш босқичи мусобақалари ғолиблари — Тошкент шаҳри жамоалари Навоийда ўтказилаётган "Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақаларининг якуний бахсларига йўлланмани қўлга киритди.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё, 4) Самарқанд, Қашқадарё ва Навоий, 5) Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилотлари.

1-ҳудуддан ўрин олган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоти жамоалари ўртасидаги мусобақаларнинг дастлабки-нингдек, баскетболчи кизлар қарама-қаршиликда ҳам 101:28 ҳисобида пойтахтликларнинг қўли баланд келди.

Қўл тўпи бўйича ўғил ва киз болалар жамоалари ўртасидаги матчларнинг ҳам ҳар иккисидида вилот вакиллари мағлубият аламини тотиб қўришди. Энг ҳаяжонли дамларни тақдим этган футбол учрашувида эса ҳакамнинг қайд дафтарига 4:2 ҳисоби якуний натижа сифатида битилди.

Айтиш мумкинки, Тошкент шаҳри шарофини ҳимоя қилаётган жамоалар ҳудудий саралаш мусобақаларининг дастлабки учрашувларидаёқ ўз маҳорати ва иқтидорини тўла намоён этиб, якуний босқич йўлланмаларини ҳал қилиб бўлди.

Эртаси куни ушбу жамоалар Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи ҳамда "Кимёгар" ўйингоҳи ва спорт залида уюштирилган жавоб ўйинларида иштирок этишди. Ўз майдонида реванш олишга ҳаракат қилган Тошкент вилоти жамоаларига бу сафар ҳам кучли рақибни енгиласан деб эътибори бўлди.

Шундай қилиб, баскетбол, волейбол, қўл тўпи ва футбол бўйича ҳудудий саралаш босқичи мусобақалари ғолиблари — Тошкент шаҳри жамоалари Навоийда ўтказилаётган "Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақаларининг якуний бахсларига йўлланмани қўлга киритди.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.

Зохиджон ХОЛОВ
Бурҳон РИЗО
олган суратлар.



ЯНГИ РЕЙТИНГ ЕТАКЧИСИ

Халқаро велосипедчилар уюшмаси (UCI) томонидан яқинда ният қилинган «Париж-Рубэ» номи бир кунлик велопоёғига натижаларига қараб, янги рейтинг эълон қилинди.

Унда шахсий кўрсаткичлар бўйича белгиланган спортчи Том Боонен («Omega Pharma-Quickstep») 366 очко жамғариб, 1-погонани эгаллади. 2-ўринга Симон Жеффранс (Австралия, «GreenEdge»), 210 очко), 3-ўринга эса Самуэль Санчес (Испания, «Euskatel-Euskadi», 208 очко) муносиб деб тоғилди.

Миллий терма жамоалар ҳисобида Испания 717 очко жамғариб рўйхатни бошқариб турган бўлса, кейинги ўринларни Бельгия (567) ва Италия (566) ўзaro бўлишиб олишган.

Жамовий ҳисобда «Omega Pharma-Quickstep» клуби илдамлик қилмоқда.

ПСВ — ТУҚҚИЗ КАРРА КУБОК СОҲИБИ

Футбол бўйича Голландия кубоғи учун ўтказилган ҳал қилувчи учрашувда Эйндховен шаҳри шарофини ҳимоя қилувчи ПСВ клуби Алмелонинг «Хераклес» жамоасига қарши майдонга тушди.

Авалдан мурасимиз қурашларга бой кечмиш қўлланган финал бахсида Эйндховенликлар рақибдан сезиларли даражада кучли ва тажрибали эканини исботлашди. Якуний натижа ҳам шунга яраша қўриниб олди — 3:0. ПСВ клуби — Голландия кубоғи соҳибига айланди.

Киритилган голларга Ола Тойволен, Дрис Мертенс ҳамда Жермейн Ленс муаллифлик қилишди.

Айтиш мумкинки, Эйндховен шаҳри вакиллари бу ғалабаси билан Голландия кубоғини тўққизинчи бор қўлга киритишди. Бу борада Амстердамнинг «Аякс» ва «Фейеноорд» клублари кўпроқ муваффақиятга эришган.

ҒАЛАБА ВА МУҲИМ ОЧКОЛАР

Дунёнинг собиқ биринчи рақамли теннисчиси америкалик Серена Уильямс АКШнинг Чарлстон штатида ўтказилаётган турнирнинг финал учрашувида россиялик рақибаси Вера Звонарева устидан ғалаба қозонди.

Умумий ютуқ жамғармаси 740 минг долларни ташкил этувчи WTA таснифидидаги мазкур нуфузли турнирдаги зафари Серенага жаҳоннинг кучли теннисчилари рейтингини тўққизинчи ўринга қўтарилиб олиш имконини ҳам берди.

WTA рейтингининг ўтган 52 ҳафталик натижаларига қўра, ҳозир кучли учликдан беларуслик Виктория Азаренко (8980 очко), россиялик Мария Шарипова (7930 очко) ҳамда чехиялик Петра Квитова (7095) жой олган.

ЁШЛИК ВА ТАЖРИБА УЧРАШУВИ

72,6 килограмм вазн тоифасида WBO (Жаҳон бокс ташкилати) чемпионлиги камари соҳибига россиялик Дмитрий Пирогнинг ўз унвонини ҳимоя қилиш учун даввогар — япониялик Нобухиро Исидейга қарши рингга чиқиши маълум қилинди.

Жанг шу йилнинг 1 май куни Москва шаҳридаги «Динамо» спорт саройида ўтказилади. Бундан бироқ аввал Д.Пирогнинг IBF (Халқаро бокс федерацияси) таснифидидаги жаҳон чемпиони австралиялик Даниел Гилга қарши рингга қўтарилиши ҳақида маълумот тарқатилган.

31 ёшли Д.Пирог профессионал фаолияти давомида жами 19та жанг ўтказган ва уларнинг барчасини ғалаба билан якунлаган. 36 ёшли Исидей эса 2009-2010 йиллар давомида WBA таснифидидаги чемпионлик камарига вақтинчалик эгалик қилган. У фаолияти давомида 33та жанг ўтказиб, 24 марта зафар қўчган.

Ш. НАЗРУЛЛАЕВА
тайёрлади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Барнаул кўчаси (ҳозирги Турк-кўрғон кўчаси) 3-проezd, 11-уй 1-хонадон эгаси Юлдашев Хамидулла Қаюмович номига Юнусобод туман БТИ (техник инвентаризация бюроси) томонидан берилган хусусий уйга тегишли кадастр ҳужжатлари (уй плани, олди-сотида шартномаси) йўқолиб қолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирликнинг меҳнат фахрийси

Ҳасан ЗУФАРОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдardлик билдиради.

Миробод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва қолган ҳудудлардаги мусобақалар тафсилотлари билан кейинги сонда танишасиз.

Феруза ТАНҒРИБЕРГАНОВА, «Ma'rifat» мухбири.

Китоб – қалб гавҳари, кўнгил зийнати

Янги АСР
авлоди

Навқирон авлод ва маънавият хизматида



«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази Сиз, азиз китобхонларга бир-биридан қизиқарли сара китобларни тақдим этади.

Турли мавзудаги мазкур китобларимиз мактаб ўқувчиларига, ўсмир ёшларга ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Жумладан, Жюль Верннинг машҳур «Ўн беш ёшли капитан» саргузашт-романи, Умар Сайфиддиннинг сара ҳикоялари жамланган «Бадал» китоби, замонавий ўзбек адабиётининг етук носирларидан бири Абдуқаюм Йўлдошевнинг севги-муҳаббат, садоқат ва ор-номус мавзулари қаламга олинган «Ишқ афсунлари», рус тилини тез ва осон ўрганишнинг энг самарадор услубларни баён этилган А.Абсаломовнинг «Рус тилини ўрганишнинг энг самарадор услублари» китоби (+CD форматдаги диски билан биргаликда), «Она ва бола» деб номланган ёш оналар учун қўлланма, Мирзакалон Исмоилийнинг «Қизлар дафтарига» туркум қиссалари оила аҳли билан мутолаа қилишингизга мунтазир.

Китобга ошно қалбларингизни баҳорий кайфият, шодлик ҳеч қачон тарк этмасин.

Мурожаат учун манзил: 100113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60. Телефон: (+99871) 273-56-45, 128-78-43
web-сайтими: www.yangiasr.uz интернет-дўкон: www.yangidavr.uz e-mail: info@yangiasr.uz

Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Akmal
ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-418.

Tiraj 49949.
Hajmi 4 bo'sma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib boshish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan go'lyozmalar tug'iz
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-53-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda

erkin narxda

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:

Abror UMARQULOV.

Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:

«Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy

ЎЗА якуни — 21.25

Topshirildi — 22.10